

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ  
КОРРОЗИЯДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

ҚМҚ 2.03.11-96

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Тошкент 1997

УДК 69+691:620.197 (083.74)

ҚМҚ 2.03.11.96 “Қурилиш конструкцияларини коррозиядан химоя қилиш” (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси) Тошкент, 1996.

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ ВА ТАҚДИМ ҚИЛУВЧИ: ЎзЛИТТИ АЖ (Ш.А. Хакимов— мавзу раҳбари, т.ф.н. Г.И. Ступаков, т.ф.н. А.Б. Кузанов инж. Л.А. Мухамедшин, т.ф.н. К.А. Плахтий, т.ф.н. А.М. Комилов), ТошИИТ (т.ф.д. М.К. Тахиров), ТАҚИ (т.ф.д. Н.А.Самигов т.ф.н. М.Т. Турапов т.ф.н. Д.Х. Ахмедов).

МУҲАРРИРЛАР: Т.Н. Набиев, Ф.Ф. Бокирхонов, В.Э. Сташис, (Давархитектқурилишқўм), С.А. Хўжаев, Л.А. Мухамедшин, А.М. Комилов, Ш.А.Хакимов, А.Б. Кузанов, Г.И. Ступаков (ЎзЛИТТИ).

Тасдиқлашга ЎзР. Давархитектқурилишқўмининг Лойиҳа ишлари бошқармаси томонидан ТАЙЁРЛАНГАН (Ахмедов Д.А.)

ҚМҚ 2.03.11-96 ишлаб чиқишда СНиП 3.04.03-85 ҳолатлари ишлатилган.

ҚМҚ 2.03.11-96 “Қурилиш конструкцияларини коррозиядан химоя қилиш” кучга кирганидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СНиП 2.03.11-85 “Қурилиш конструкцияларини коррозиядан химоя қилиш” ўз кучини йўқотади.

Давлат тилига таржима Ахмедова М.Т. (BUSINESS: газетасининг мухбири) томонидан бажарилган.

Ушбу ҳужжат Давлат архитектура қурилиш қўмитасининг рухсатсиз расмий нашр сифатида тўлиқ ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давар- хитектқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 2.03.11-96
	Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя; қилиш	СНиП 2.03.11-85 ўрнига

Мазкур меъёрлар қурилиш бинолар ва иншоотлар конструкцияларини (бетон, темир-бетон, пўлат, алюмин, ёғоч, тош ва асбестцемент) минус 40°С дан плюс 50°С даги температурада агрессив зарар таъсирида лойиҳалаштиришда коррозиядан ҳимоя қилишга тааллуқли бўлади.

Меъёрлар ўзидан радиоактив моддалар чиқарадиган қурилиш конструкцияларини коррозиядан сақлаш лойиҳалаштирилишга, жумладан, махсус бетонлар конструкцияларини лойиҳалаштиришга тавсия этилмайди (полимербетон, кислота, суюқликка бардошли бетонлар).

Бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда конструкциялар ва муҳофаза қопламаларини кўриниши ва фойдаланишнинг янги шароити муҳитидаги агрессивлик даражасини ҳисобга олиб, коррозия ҳолати таҳлилинини албатта назарда тутиши керак.

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Қурилиш конструкциялари ҳимоясини мазкур муҳити учун коррозияга бардошли материалларни қўллаш билан ҳамда конструктив талабларнинг бажарилиши билан (бошланғич ҳимоя), конструкциялар сиртига металл, оксид, лок-бўёқли ва мастика - мумсақичли қопламалар билан қоплаш, мойлаш, юпка парда билан ўраш, қоплайдиган бошқа, материаллар билан сақлаш (иккинчи ҳимоя), шу билан бирга электркимё усуллари билан ҳимоялаш усуллари билан амалта оширилади.

1.2. Қурилиш конструкцияларига таъсир, даражаси бўйича муҳит ноагрессив, суст агрессив, ўрта агрессив ва кучли агрессивга бўлинади.

Муҳитлардаги физик ҳолатига кўра газсимон, қаттиқ ва суюққа ажралади.

1.3. Заводда тайёрланадиган қурилиш конструкцияларининг сирти ҳимоясини завод шароитида бажариш маслаҳат берилади:

1.4 Қурилиш конструкцияларига агрессив таъсирини пасайтириш мақсадида лойиҳалаштириш чоғида қуйидагиларни назарда тутиш зарур:

корхоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқишда ҳажм-режа ва муайян бир жойда эсувчи шамоллар йўналишини кўрсатадиган схема ёки тасвирни ва грунт сувлари оқимининг йўналганлигини ҳисобга олган ҳолда конструктив ҳал қилиш;

максимал даражада герметизация қилинган технологик асбоб-

Ҳ. Асомов номидаги ЎзЛИТТИ акциядорлик жамияти томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 11.09.1996 йил №87 - сон буйруғи билан тасдиқланган	Амалга киритилиш санаси 1 январь 1997й.
---	---	---

ускуналарни, сўриш-тортиш вентиляциясини, агрессив газ ва чанглар янада кўпроқ, ажараладиган жойларда сўрилишларни.

1.5. Қурилиш конструкцияларини лойиҳалаштириш чоғи конструкциялар кесимининг шундай намуналари назарда тутилиши керакки, унда агрессив газларнинг туриб қолиш эҳтимоли ё истисно қилинсин ёки бўлмаса, камайтирилсин, шунингдек уларнинг сиртида суюқликлар ва агрессив газлар тўпланиб қолмасин:

1.6. Қурилиш конструкцияларини коррозиядан сақлаб лойиҳалаштиришда ишлаб чиқариш, озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш билан боғлиқ ишлар ва озик-овқатлар, моллар учун ем-хашаклар тайёрланадиган, шунингдек, одамлар ва ҳайвонлар кириб турадиган биноларда муҳофаза материалларига бўлган талабларни ҳамда дезинфекция қилувчи воситаларнинг агрессив таъсири эҳтимолини ҳам назарда тутиш керак бўлади.

## 2. БЕТОН ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАР УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

2.1. Агрессив муҳитда эксплуатация учун мўлжалланган бетон ва темир-бетон конструкцияларни лойиҳалаштиришда, уларнинг коррозияга бардошлилигини коррозияга чидамли материаллар, бетоннинг коррозияга бардошлилигини оширувчи қўшимчалар билан таъминлаш ва унинг химоя лаёқати учун пўлат арматура-темир ўзакдан фойдаланиш, бетоннинг ўтказувчанлигини технологик усулларида пасайтириш, дарз кетишга бардошлилик, ёриқнинг очилиш кенглиги, бетоннинг химоя қалинлиги тоифаларига бўлган талабларнинг қўйилиши керак бўлади лойиҳалаштиришда коррозиядан химоя қилишга тааллуқли бўлади. Юқорида санаб ўтилган тадбирлар етарли самара бермаса, конструкциялар сиртини қуйидагича химоялашни назарда тутиш керак бўлади:

лок-бўёқ қопламалари билан;

тунука ва юпқа қобикли материаллар билан ихота қилиш;

сиртини қоплаш ёки керамика, тошқолсимон, шиша, тош қуйма ва табиий тошқўллаб суваш;

цементли, полимер боғловчи модда, суюқ шиша, битумли сувоқ қилиш;

зичлайдиган кимёвий чидамли материаллар билан шимдириш.

2.2. Темир-бетон конструкцияларни коррозиядан химоялаш тадбирларини химоя қилинаётган конструкциялар кўриниши ва ўзига хосликлари, уларнинг тайёрланиш технологияси, тиклаш ва эксплуатация шароитларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳалаштириш кераклиги, бетоннинг химоя қалинлиги тоифаларига бўлган талабларнинг қўйилиши керак бўлади.

Бетоннинг ўтказувчанлик кўрсаткичининг шартли белгилари	Бетоннинг ўтказувчанлик кўрсаткичлари			
	т ўғри		қия	
	сув ўтказувчанлик бўйича бетон маркаси (тамғаси мувозанатида)	филтрлаш коэффициенти, см/с (намлик), $K_f$	сув шимиши, масса бўйича % ошиғи	сув-цемент нисбати С/Ц, билан
Н-нормал ўтказувчан бетон	W4	ошиғи билан $2 \cdot 10^{-9}$ $7 \cdot 10^{-9}$ гача	ошиғи. 4,7дан 5,7гача	0,6
П-ўтказувчанлиги паст бетон	W6	ош. $6 \cdot 10$ дан $7 \cdot 10^{-9}$ гача	ош. 4,2дан 4,7гача	0,55
О-алоҳида паст ўтказувчан бетон	W8	ош. $1 \cdot 10^{-10}$ дан $6 \cdot 10^{-10}$ гача	4,2гача	0,45

*ЭСЛАТМА: 1. Сув ўтказувчанлик бўйича филтрлаш коэффициенти ва бетон маркасини ГОСТ 12730.5-84 бўйича; сув шимиши бўйича ГОСТ 12730.3-78 га мувофиқ аниқланади.*

*2. 1-жадвалда келтирилган сув шимиши ва сув-цемент нисбати кўрсаткичлари оғир, бетонга тааллуқлидир. Енгил бетонларнинг сув шимишини 1-жадвалда келтирилганига кўра қийматларнинг ўртача зичликдаги оғир бетоннинг ўртача зичликдаги енгил бетон нисбатига тенг коэффициентига кўпайтирилиб аниқланади. Енгил бетонларнинг сув-цемент нисбатини 1-жадвалнинг 1,3 га қийматларининг кўпайтирилиши билан аниқланади.*

*3. Ҳоказо мазкур меъёрлар матнида бетоннинг ўтказувчанлиги баҳоси сув ўтказувчанлиги кўрсаткичи бўйича келтирилади.*

2.3. Бетон ва темир-бетон конструкциялар учун меъёрга солинган бетонни, назарда тутиш маслаҳат берилади.

Бетоннинг ўтказувчанлиги тўғри кўрсаткичлар билан (сув ўтказувчанлиги бўйича бетон маркаси ёки филтрлаш коэффициенти билан) таърифланади. Қия кўрсаткичлар (бетоннинг сув шимиши ва сув-цемент нисбати) тахминий ва тўғри кўрсаткичларга қўшимча ҳисобланади.

Бетоннинг ўтказувчанлиги кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

## МУҲИТНИНГ АГРЕССИВ ТАЪСИР ДАРАЖАСИ

2.4. Муҳитнинг бетон ва темир-бетон конструкцияларга агрессив таъсир даражалари қуйидаги жадвалларда келтирилган:

газсимон муҳит — 2-жадвалда;

каттиқ, муҳит — 3-жадвалда;

грунт сувлари сатҳидан юқори грунтларда — 4-жадвалда;

суяқ ноорганик муҳит — 5,6,7-жадвалларда;

суяқ органик муҳит — 8-жадвалда.

Армоцемент-ўзакли цемент конструкцияларига агрессив таъсир муҳити даражаси 2-3 жадвал бўйича келтирилган темир-бетон конструкциялари каби қабул қилинади.

## 6-бет ҚМҚ 2.03.11-96

2.5. Иситиладиган бинолар ичида жойлашган конструкцияларга агрессив таъсир даражасини: аниқлашда намлик тартибини 2-8-жадваллар, ҚМҚ 2.03.11-96 бўйича, иситилмайдиган бинолар ичида жойлашган конструкцияларга эса очик ҳавода ва грунтларда, грунт сувлари сатҳидан юқорида, 1-илова бўйича қабул қилинади.

## 2-ЖАДВАЛ

Биноларнинг намлик тартиби	1-мажбурий илова бўйича газлар гуруҳи	қуйидаги конструкцияларга газсимон муҳитнинг агрессив таъсир даражаси	
		бетонга	темир-бетонга
<u>курук</u> курук	A B C D	Ноагрессив “ “ “	Ноагрессив “ Паст агрессив Ўрта агрессив
<u>нормал</u> нормал	A B C D	Ноагрессив “ “ Ўрта агрессив	Ноагрессив Паст агрессив Ўрта агрессив Кучли агрессив
<u>Нам ёки хўл</u> нам	A B C D	Ноагрессив  Паст агрессив Ўрта агрессив	Паст агрессив Ўрта агрессив Кучли агрессив “

*ЭСЛАТМА: 1. Иситиладиган биноларнинг сиртида конденсат қўйиши рухсат этиладиган конструкциялар учун агрессив таъсир даражаси нам тартибдаги бинолар муҳитидаги конструкциялар каби белгиланади.*

*2. Газсимон муҳитда бир неча агрессив газлар бўлса, муҳитнинг агрессив таъсир даражаси нам тартибдаги бинолар муҳитидаги конструкциялар каби белгиланади.*

## 3-ЖАДВАЛ

Бинонинг намлик тартиби	Сувда қаттик муҳитнинг эрувчан лиги <sup>1,2</sup> ва уларнинг гигроскопиклиги (намтортиши)	қуйидаги конструкцияларга қаттик муҳит агрессив таъсир даражаси	
		бетонга	темир-бетонга
<u>Курук</u>  Курук	Оз гигроскопик яхши эрувчан Гигроскопик яхши эрувчан	Ноагрессив  Паст агрессив	Паст агрессив  Ўрта агрессив
<u>Нормал</u>  Нормал	Оз гигроскопик яхши эрувчан Гигроскопик яхши эрувчан	Паст агрессив  “	Паст агрессив  Ўрта агрессив <sup>3</sup>
<u>Нам ёки хўл</u>  Нам	Оз гигроскопик яхши эрувчан Гигроскопик яхши эрувчан	Паст агрессив  Ўрта агрессив	Ўрта агрессив <sup>4</sup>  Кучли агрессив

<sup>1</sup> Янада кенг тарқалган эрувчан тузлар рўйхати ва уларнинг таърифномаси 2-маълумот иловасида келтирилган. Агрессив тузлар сифатида бетон ва темир-бетонга нисбатини 2-маълумот иловасида келтирилганидай хлорид, сульфатлар, нитратларни қараши тавсия этилади.

<sup>2</sup> Оз эрувчан моддаларнинг бўлиши агрессивликка таъсир қилмайди.

<sup>3</sup> 5,6,7-жадваллар талаблари билан бир вақтда пайдо бўлган эритманинг агрессивлигини ҳисобга олган ҳолда агрессив таъсир даражасини аниқлаш керак бўлади.

<sup>4</sup> Таркибида хлоридлар бўлган тузларни кучли муҳитга киритиши керак.

## 4-ЖАДВАЛ

2-илова бўйича намлик зонаси	Агрессивлик кўрсаткичи, 1 кг грунтга мг				Бетон ва темир- бетон конструк- цияларга грунт- нинг агрессив таъсир даражаси
	Бетонлар учун $SO_4^2$ қайта ҳисобланган сульфатлар		Бетонлар учун С1 қайта ҳисо- бланган хлоридлар		
	ГОСТ 10178-85* бўйича портланд цементда	ГОСТ 10178- 85* бўйича портланд це- ментда: цементларда таркибида С3S 65% дан ош.7% дан б- н, С3А ош.б-н, С3А+САФ 22% дан ош.б- н ва шлак портланд-це- ментда	ГОСТ 22266-94 бўйича сульфатга бардошли	ГОСТ 10178-85* бўйича портланд- цемент, шлакпорт- ланд-цементда ва ГОСТ 22256-94 бўйича сульфатга бардошли це- ментларда	
Курук	ош.500дан	ош.3000дан	ош.6000дан	ош.400дан 750гача	паст агрессив
	о.1000дан	о.4000дан	о.12000дан	о.750дан 7500гача	ўрта агрессив
	500гача	5000гача	1500гача		
	о.1500	о.5000	о.15000	о.7500	кучли агрессив
Нормал	о.250дан	о.1500дан	о.3000дан	о.250дан 500гача	паст агрессив
ва нам	500гача	3000гача	6000гача	о.600дан 6000гача	ўрта агрессив
	о.500дан	о.3000дан	о.6000дан		ва хўл
	1000гача	4000гача	8000гача		
	о.1000	о.4000	о.8000	о.5000	кучли агрессив

ЭСЛАТМА: 1. Таркибидаги хлорид мавжудлигига қараб агрессивлик кўрсаткичлари фақат темир-бетон конструкциялар учунгина бетоннинг сув ўтказувчанлиги маркасидан қатъий назар ҳисобга олинади. Бир вақтнинг ўзида таркибида сульфатларнинг мавжудлиги уларнинг хлоридлар таркибини 0,25 га кўпайтириши билан қайта ҳисобланади ва таркибидаги хлоридларнинг йиғиндисини чиқарилади.

2. Таркибидаги сульфатларнинг мавжудлигига қараб агрессивлик кўрсаткичлари сув ўтказувчанлик W4 бетон маркаси учун келтирилди. Сув ўтказувчанлиги бўйича W5 бетон маркасига агрессив таъсир даражасини баҳолашда кўрсаткичларни 1,3 га, сув ўтказувчанлиги бўйича W8 да эса 1,7 га кўпайтириши керак бўлади.

Агрессивлик кўрсаткичи	Суyoқлик муҳитининг иншоотлар, 0,1 м/сут.дан ортиқ $K_f$ да, очик сув ҳавзасида жойлашган ва босим иншоотлари учун сув ўтказувчанлиги куйидаги маркали бетонларда агрессивлик даражаси <sup>1</sup>			Суyoқ, ноорганик муҳитнинг бетонга агрессив таъсир даражаси
	W4	W6	W8	
Бикарбонат ошиғи билан паст ишқорлиги мг.экв/л (град.)*	0дан 1,05(3) гача	—	—	паст агрессив
pH** водород кўрсаткичи	о.5,0 дан 6,5 о.4,0дан 5,0 о.0,0дан 4,0	о.4,0 дан 5,0 гача дан 4,0 гача о.0,0 дан 3,5 гача	о.3,5 дан 4,0гача о.3,0дан 3,5 гача о. 0,0 дан 3,0	паст кўрсаткичи ўрта агрессив кучли агрессив
Таркибида агрессив углекислота мавжудлиги мг/л	о.10 дан 40  о.40***	ошиғи б-н 40***  —	—  —	паст агрессив  ўрта агрессив
Таркибида магнезиал тузлар ион $Mg^{2+}$ га қайта ҳисобланган	о.1000дан 2000гача о.2000дан 3000гача о. 3000	о.2000дан 3000гача о.3000дан 4000гача о. 4000	о.3000дан 4000гача о.4000дан 5000гача О.5000	паст агрессив ўрта агрессив кучли агрессив
Таркибида аммоний ўрта тузлар мг/л, -қайта ҳисобланган $NH_4^+$ ионга	о.100дан 500гача о.500дан 800гача  о. 800	о.500дан 800гача о.800дан 1000гача  о.1000	о.800дан 1000гача о.1000дан 1500гача  ошиғи б-н 1500	паст агрессив ўрта агрессив кучли агрессив
Таркибида ишқор агрессив мавжудлиги, мг/л, $Na^+$ ва К ионларига қайта ҳисоблаганда	о.50000дан 60000гача о.60000 дан 80000гача 0.80000	о.60000 дан 80000 гача о.80000дан 100000 гача 0.100000	о.80000дан 100000гача о.100000 дан 150000гача 0.150000	паст агрессив ўрта агрессив кучли агрессив
Таркибида хлоридлар, сульфатлар <sup>2</sup> , нитратлар ва бошқа тузларнинг жамланиши; мг/л, сиртининг агрессив буғга айланишида	о.10000дан 20000гача о.20000дан 60000гача о.50000	о.20000дан50000гача  о.50000дан 60000гача  о.60000	о.50000дан 60000гача  о.60000дан 70000гача  0.70 000	паст агрессив ўрта агрессив кучли агрессив

<sup>1</sup>*К<sub>f</sub> султ филътрлаш грунтларида камида 0,1 м/сут.да жойлашган иншоотлардан фойдаланиш шароитида муҳитнинг агрессив даражасини баҳолаш чоги мазкур жадвалда келтирилган кўрсаткичлар қийматлар 1,3 га кўпайтирилиши керак.*

<sup>2</sup>*Таркибида сульфатларнинг бўлиши цементнинг тури ва минералогик таркибига қараб 4 ва 6-жадвалда келтирилган чегаралардан ошмаслиги зарур.*

\* *ҳар қандай қийматдаги бикарбонат ишқорлиликда муҳит сув ўтказувчанлиги W6 ва ундан ортиқ, шунингдек, W4 даги  $K_f$  0,1 м/сут.дан паст филътлаш коэффициентидеги бетонлар учун ноагрессив, яъни агрессив бўлмайди.*

\*\* *pH водород кўрсаткичи бўйича агрессив таъсир баҳоси юқори концентрациядаги органик эритмалар ва углекислотага таалуқли эмас.*

\*\*\* *5-жадвалда кўрсатилган агрессивлик кўрсаткичлари қийматларининг ошишида мазкур кўрсаткич бўйича муҳитнинг агрессив таъсир; даражаси ўсмайди.*



## 6-ЖАДВАЛ

Цемент	K <sub>f</sub> грунтларида 0,1 м/сут.дан ортиқ, очик сув ҳавзаларида жойлашган ҳамда таркибида ионлар $HCO_3^-$ мг-экв/л мавжуд босим иншоотлари учун $SO_4^{2-}$ ионлар қайта ҳисоблангандаги суюқлик муҳитининг агрессивлик кўрсаткичи <sup>1</sup>			Сув ўтказувчанлиги W4 бетон маркасига суюқ органик муҳитнинг агрессив таъсири даражаси
	о. 0,0 дан 3,0 гача	о.3,0 дан 6,0 гача	о.6,0	
ГОСТ 10178-85* бўйича портланд-цемент	о.250 дан 500 гача о.500дан 1000 гача о. 1000	о.500дан 1000гача о.1000 дан 1200гача о.1200	о.1000 дан 1200гача о.1200дан 1500гача о.1500	паст агрессив ўрта агрессив кучли агрессив
ГОСТ 10178-85* бўйича клинкерда C <sub>3</sub> S ошиғи б-н 65%, C <sub>3</sub> A ошиғи б-н 7%, C <sub>3</sub> A+C <sub>4</sub> AF ошиғи б-н 22%, ва шлак-портланд-цемент	о.1500 дан 3000 гача о.3000дан 4000гача о.4000	о.3000дан 4000гача о.4000дан 5000гача о.5000	о. 4000дан 5000гача о. 5000дан 6000гача о. 6000	паст агрессив ўрта агрессив кучли агрессив
ГОСТ 22266-94 бўйича сульфатга бардошли цементлар	о. 3000дан 6000гача о.6000 дан 8000гача о.8000	о.6000дан 8000гача о.8000дан 1200гача о.12000	о.8000дан 12000гача о.12000дан 15000гача о.15000	паст агрессив ўрта агрессив кучли агрессив

<sup>1</sup> K<sub>f</sub> султ филттрловчи, камида 0,1 м/сут.грунтларда жойлашган иншоотлар эксплуатаци-  
яси шароитида агрессивлик даражасини баҳоланганда мазкур жадвалда келтирилган кўрсат-  
кичлар қиймати 1,3 га кўпайтирилиши зарур.

\* Сув ўтказувчанлиги W6 маркали бетонлар учун агрессивлик даражасини баҳолашда маз-  
кур жадвалда келтирилган қийматлар 1,3 га, сув ўтказувчанлиги W8 маркали бетонлар учун эса  
1,7га кўпайтирилиши керак.

С1 мг/л да қайта хисоблаганда	Қуйидаги ҳолатдаги темир-бетон конструкцияси арматурасига суюқ ноорганик муҳитнинг агрессив таъсир таркибидаги хлоридлар даражаси	
	Доимий суқилишида	Вақти-вақти б-н хўлланишида
500 гача о.б-н 500дан 5000гача ошиғи б-н 5000	ноагрессив “ паст агрессив	паст агрессив ўрта агрессив кучли агрессив

*ЭСЛАТМА: 1. Вақти-вақти билан хўлланиш тушунчаси суюқлик муҳитининг ўзгарувчан сатҳи ва капилляр уярма зоналарини қуршаб олишини англатади.*

*2. Сульфатлар ва хлоридларнинг суюқлик муҳитида бир вақтда мавжудлиги хлоридларнинг бўлишини 0,25 га кўпайтирилиб, қайта хисобланади ҳамда хлоридларнинг мавжудлиги билан йиғиндиси чиқарилади.*

*3. Денгиз сувининг ўрта ва кучли агрессив таъсирига йўлиқадиган конструкциялар коррозияга бардош бериши учун бошланғич ҳимоя билан таъминланиши зарур.*

Муҳит	Қуйидаги; маркали; бетонларга суюқ органик муҳитнинг агрессив таъсир даражаси		
	W4	W6	W8
Мойлар: минерал ўсимлик жониворники Нефть ва нефть	паст агрессив ўрта агрессив “	паст агрессив ўрта агрессив “	ноагрессив паст агрессив “
маҳсулотлари: Хом (ишланмаган) нефть <sup>1</sup> олтингугуртли нефть олтингугуртли мазут <sup>1</sup> дизель ёқилғиси <sup>1</sup> керосин бензин	“ “ “ паст агрессив “ ноагрессив	“ паст агрессив “ ноагрессив	“ “ “ “ “
Эритгичлар: чегаравий углеводородлар (гептан, октан, декан ва ҳ.к.) ароматик углеводородлар (бензол, толуол, оксиллол, хлорбензол ва бошқалар) кетонлар (ацетон, метилкетон,	“ паст агрессив “	“ “ паст агрессив паст агрессив	“ “ кучли агрессив “

Муҳит	Қуйидаги; маркали; бетонларга суюқ органик муҳитнинг агрессив таъсир даражаси		
	W4	W6	W8
Мойлар: минерал ўсимлик жониворники Нефть ва нефть	паст агрессив ўрта агрессив “	паст агрессив ўрта агрессив “	ноагрессив паст агрессив “
дикэтилкетон ва бошқ.)  Кислоталар: кислоталарнинг сув эритмалари (сирка, лимон, сут ва ҳ.к.) ошиғи б-н 0,05 г/л концентрацияда ёғли сувда эримайдиган кислоталар (каприл капрон ва бошқ.)  Спиртлар: бир атомли кўп атомли  Мономерлар: хлорбутадан стирол  Амидлар: Карбамид (50 дан 150 г/л концентрацияли сув эритмалари) худди шундай, ошиғи б-н 150 г/л дициандиаמיד (10 г/л концентрацияли сув эритмалари) диметилформаид 20 дан 50 г/л гача сув эритмалари худди шундай, о.50 г/л  Бошқа органик моддалар: фенол (10 г/л гача сув эритмалари)	“  паст агрессив ўрта агрессив  кучли агрессив паст агрессив  ўрта агрессив паст агрессив  ўрта агрессив  кучли агрессив  ўрта агрессив	ўрта агрессив  ноагрессив ўрта агрессив  кучли агрессив паст агрессив  ўрта агрессив паст агрессив  “  “  ўрта агрессив  ўрта агрессив	

Муҳит	Куйидаги; маркали; бетонларга суюқ органик муҳитнинг агрессив таъсир даражаси		
	W4	W6	W8
Мойлар: минерал ўсимлик жониворники Нефть ва нефть	паст агрессив ўрта агрессив “	паст агрессив ўрта агрессив “	ноагрессив паст агрессив “
формалдегид	паст агрессив	паст агрессив	ноагрессив
(20 дан 50 г/л гача концентрацияли сув эритмалари худди шундай, ошиғи б-н 50 г/л дихлорбутен тетрагидрофуран қанд (ошиғи б-н 0/1 г/л концентрацияли сув эритмалари)	“ “ паст агрессив	“ “ паст агрессив “	“ “ ноагрессив

<sup>1</sup>Нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган резервуарлар конструкциялар элементларига агрессив таъсир даражаси 2.57 б.да келтирилган.

2.7. 5 ва 6-жадвалларда кўрсатилган муҳитларнинг агрессив даражасини оғир оз арматурали конструкциялар учун (қалинлиги 0,5 м.дан ортиқ, арматуралаш фоизи 00,5% гача) бир поғона пасайтириш керак бўлади.

2.8. 5,6,7-жадвалларда кўрсатилган муҳитларнинг агрессивлик даражаси суюқлик босимининг 0,1 МПа (1 атм) қийматидаги иншоотлари учун келтирилган.

## МАТЕРИАЛЛАР ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

2.9. Агрессив муҳитдаги темир-бетон бино ва иншоотлар конструкцияларига сув ўтказувчанлиги 5-11-жадваллар бўйича W4 ва ундан юқори маркали бетонларни қабул қилиш керак.

Суюқлик муҳитларнинг агрессив таъсирига (хлоридлар, сульфатлар, нитратлар ва бошқа тузлар) учрайдиган темир-бетон конструкциялар бетони, 5-жадвал бўйича сирти буғланадиган ҳамда бир вақтнинг ўзида навбатма-навбат музлатиладиган ва муздан тушириладиган бўлса, юқорида, 9-жадвалда кўрсатилган СНиП 2.03.01-84 га мувофиқ музга бардошлилик бўйича талабларга жавоб бериши керак.

2.10. Агрессив муҳитли бетон ва темир-бетон бино ва иншоотлар конструкциялари учун албатта куйидаги турдаги цементларни назарда тутиш керак бўлади:

портландцемент, ГОСТ 10178-85\* талабларини қондирадиган минерал қўшимчалар билан тўлдирилган портландцемент, шлак-портландцемент;  
ГОСТ 22266-94 талабларини қондирувчи сульфатга бардошли цементлар;  
ГОСТ 969-91 талабларини қондирувчи глиноземли (алюминий оксидли)

цемент;

тортувчи цемент.

2.11. Газсимон ва қаттиқ муҳитларда (2 ва 3-жадвалларга қаранг) ГОСТ-10178-85 талабларини қондирувчи цементларни қабул қилиш маслаҳат берилади;

Суюқ ва таркибида сульфат бўлган қаттиқ муҳитларда (3,4 ва 6-жадвалларга қаранг) сульфатга бардошли цементлар, шлакпортландцементлар ва портландцементларни қўллаш тавсия этилади.

Бикарбонат ишқорлилиги кўрсаткичи бўйича агрессив суюқ муҳитларда (5-жадвалга қаранг) минерал қўшимчалар билан тўлдирилган портландцемент шлакпортландцемент ёки пуццоланли портландцементни қўллаш керак бўлади.

Таркибидаги тузлар йиғиндиси бўйича агрессив суюқ муҳитларда (5-жадвалга қаранг) глиноземли (алюминий оксидли) цементни бетоннинг қотиш температура тартиби амал қилиш талабларига риоя қилиш шarti билан қўллашга рухсат этилади.

Олдиндан таранг тортилган арматура конструкциялари учун глинозем цементни қўллашга рухсат берилмайди:

Сув ўтказмаслиги бўйича W6 дан ортиқ маркали бетонларга бўлган талабларга тааллуқли конструкцияларда НЦ 10 ортиқ маркали таранг тортиладиган цементни қўллашга рухсат берилади.

2.12. Майда тўлдиргич сифатида кварцли ялтироқ қумни (ГОСТ 10258-80 бўйича масса бўйича ошиғи билан 1% зарралари халосланган), шунингдек, ГОСТ 9757-90 талабларига жавоб берувчи ғовакли қум назарда тутилади.

2.13. Йирик тўлдиргич сифатида отилиб чиққан тоғ жинсига мансуб сараланган шағални назарда тутиш маслаҳат берилади. Отилиб чиққан жинсга мансуб шағал маркаси 800 дан паст бўлмаслиги керак, шағал ва шағал қуми Др12 дан паст бўлмаслиги керак.

Чўкинди жинс шағали (сув шимилиши 2% дан ошмаслиги ва маркаси 600 дан паст бўлмаслиги керак) бир жинсли ва суств юпқа қатламсиз бўлса, унда ҳар қандай агрессив таъсир даражасидаги газсимон, қаттиқ ва суюқ муҳитларда фойдаланиладиган конструкциялар учун (паст агрессивлик муҳитидагидан водород кўрсаткичи паст бўлган суюқ муҳитлардан ташқари, 5:-жадвалга қаранг).

Конструкциялар енгил бетонлар учун ГОСТ 9757-90 бўйича тўлдиргичлар назарда тутилади.

Арматурали пұлат гурухи	Арматурали пұлат классы (туркуми)	Дарзга бардошли темир-бетон <sup>1</sup> конструкцияларга бұлган талаблар тоифасы ва ёриқларнинг давомий бұлмаган ва муттасил очилишининг чегаравий рухсат этилган кенглиги, мм, газсимон ҳамда қаттиқ мухитнинг темир-бетонга агрессив таъсир даражасида		
		паст агрессив	ўрта агрессив	кучли агрессив
I	А-I, А-II, А-III, В-I, Вр-I А-Шв, А-IY, Ат-IYк Ат-III, Ат-IIIС	$\frac{3}{0,25 (0,20)}$	$\frac{3^{**}}{0,20 (0,15)}$	$\frac{3}{0,15 (0,10)}$
		$\frac{3}{0,25 (0,20)}$	$\frac{3^{**}}{0,15 (0,10)}$	$\frac{2}{0,10}$
		$\frac{3}{0,25-(0,20)}$	қўллашга рухсат этилмайди	қўллашга рухсат этилмайди
II	Ат-IYС, Ат-YСК, Ат-YIК	$\frac{3}{0,15 (0,10)}$	$\frac{2^{**}}{0,10}$	1
	В-II,Вр-II, К-7, К-19	$\frac{2}{0,10}$	$\frac{2}{0,05}$	1
III	А-Y,А-YI, Ат-Y, Ат-YI В-II,Вр-II, К-7, К-19 камида 3,5 мм диа- метрли симда	$\frac{2^*}{0,10}$	1	қўллашга рухсат этилмайди
		$\frac{2^*}{0,05}$	1	

<sup>1</sup> Чизик устида-ёриққа бардош бериши талаблари; чизик остида давомий бұлмаган ва давомий (қавс ичида) ёриқнинг рухсат берилган очилиши кенглиги.

\* Таркибида хлор, хлорли чанг, азот кислотаси, роданистик тузлар, хлорли водород, сероводород бұлган мухитлардаги конструкцияларни ёриққа бардошлилик бўйича I-тоифага киритиши керак.

\*\* Агарда 2\* ўрта агрессив даража фақат намлиги ҳамда таркибидаги карбонат ангидрид газы мавжудлигига қараб белгиладиган бўлса, унда ёриққа бардошлилик бўйича категория ва ёриқнинг очилиши кенглигини худди паст агрессив даражадаги сингари қабул қилишига рухсат берилади.

ЭСЛАТМА. "К" индексли ўзакка оид термик мустаҳкам арматура, коррозия ёрилишига бардошли ҳисобланади, "С"-пайвандланувчанлик, "СК"-пайвандланувчан, коррозиявий ёрилишига бардошли.

Арматура пўлати гуруҳлари 9-жадвалга қаранг	Йиғма конструкциялар ва элементлар учун бетоннинг химоя қатламининг қалинлиги, мм (чизик устида) ҳамда бетоннинг сув ўтказмаслиги бўйича газсимон ва қаттиқ мухитнинг агрессив таъсир даражасидаги маркаси		
	паст агрессивда	ўрта агрессивда	кучли агрессивда
I	$\frac{20}{W4}$	$\frac{20}{W6}$	$\frac{25}{W8}$
	$\frac{25}{W4}$	$\frac{25}{W6^*}$	$\frac{25}{W8}$
II	$\frac{25}{W4}$	$\frac{25}{W8}$	$\frac{25}{W8}$
	$\frac{25}{W6^*}$	$\frac{25}{W8}$	$\frac{25}{W8}$

\* В-II, Вр-II, К-7 ва К-19 туркум-классига кирувчи симли арматурада W8 маркали бетонни қўллаш тавсия этилади.

2.14. Майда ва йирик тўлдиргичлар таркибида потенциал реакция қўзғатувчи жинслар мавжудлиги текширилиши зарур. Потенциал реакция қўзғатувчи жинслар ҳисобига ички коррозиядан ҳимояланиш чораси сифатида ва цементнинг ишқорлари билан тўлдиргичдаги ўзаро таъсирини пасайтириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутиш керак бўлади:

цементни кам - минимал миқдорда сарфлаб бетон таркибини саралаш;  
таркибида №30 ҳисобида ошиғи билан 0,6% ишқор билан бетон 2 тайёрлаш;

бетонни минерал қўшимчалар билан тўлдирилган портландцементдан, пуццоланли портландцементдан ва шлакпортландцементдан тайёрлаш;

гидрофоб-сув юқтирмайдиган газ ажратадиган қўшимчаларни киритиш:

Потенциал реакция қўзғатувчи тўлдиргичларда бетонга натрий ва калий тузларини қўшимча сифатида киритишга рухсат берилмайди.

11-ЖАДВАЛ

4, 7, 8* - жадваллар бўйича муҳитнинг даражаси	Суюқ муҳитнинг агрессив таъсиридаги темир-бетон конструкцияларга бўлган талаблар агрессив таъсири						
	Ёриққа бардошлиликка бўлган талаблар тоифаси ва давомий бўлмаган ва давомий ёриқларнинг рухсат этилган чегаравий кенглиги <sup>1</sup> , мм арматура пўлатига нисбатан (9-жадвалга қаранг)			ҳимоя қатламининг қалинлиги камида, мм	бетоннинг сув ўтказмаслик бўйича маркаси, арматура пўлатига нисбатан (9-жадвалга қаранг)		
	I	II	III		I	II	III
Паст агрессив	$\frac{3}{0,2(0,15)}$	$\frac{3}{0,15(0,10)}$	$\frac{2}{0,1}$	20	W4	W6	W6
Ўрта агрессив	$\frac{3}{0,15(0,1)}$	$\frac{3}{0,1(0,05)}$	$\frac{1}{-}$	30	W6	W6	W6
Кучли агрессив	$\frac{3^{**}}{0,15(0,1)}$	$\frac{2}{0,05}$	қўллашга рухсат йўқ	30	W6	W6	—

<sup>1</sup> Чизиқ устида - ёриққа бардошлилик талаблари категорияси, чизиқ остида ёриқларнинг очилиш кенглигининг давомий бўлмаган ва давомий рухсат этилган кенглиги.

\* 8-жадвал бўйича суюқ муҳитнинг агрессив даражасини фақат хўл ва олтингурутли нефть ҳамда олтингурутли мазут учунгина назарда тутилади.

\* Ат-III классдаги пўлатни қўллашга рухсат этилмайди.

ЭСЛАТМА. Мазкур жадвал талаблари ер ости қувур ўтказгичлари учун темир-бетон қувурларига тааллуқли бўлмайди.

2.15. Бетон аралашмасини қориштириш учун сувни ГОСТ 23732-79 талабларига мувофиқ қўллаш зарур.

2.16. Агрессив муҳитларда фойдаланиладиган темир-бетон конструкциялар бетоннинг чидамлилигини ошириш мақсадида бетоннинг ўтказувчанлигини пасайтирадиган ёки унинг кимёвий бардошлилигини, шунингдек, бетоннинг арматурага нисбатан ҳимояланиш лаёқатини оширадиган қўшимчалардан фойдаланиш маслаҳат берилади.

Бетон таркибига, жумладан, ёпиштириш, тўлдиргичлар таркибига ва қориштириш сувига қуйидаги темир-бетон конструкциялар учун хлорли тузлар киритишга рухсат этилмайди:

тортиладиган арматурали;

В-I туркуми-классига кирувчи 5мм ва ундан кам диаметрдаги симли тор-тилмайдиған арматурали;

нам ва ҳўл тартиб шароитида фойдаланганларида;  
автоклавда ишлов бериб тайёрланганларида;  
электрокоррозияга йўлиқадиғанларида.

Шунингдек, хлорли тузларни бетон таркибига ва каналларни инъекция қилиш, шу билан бирга йиғма ва йиғма монолит конструкцияларнинг чок ва уланган жойларини бириктириш-яхлитлаш учун тайёрланган эритмага кири-тишга рухсат берилмайди:

2.17. Агрессив муҳит таъсирига йўлиққан темир-бетон конструкцияларни ҳисобини 2.03.01-84 СНиП бўйича ёриққа бардошлилик бўйича талаблар тоифасининг амалдаги меъёрларини ва ёриқларнинг рухсат берилган очилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш маслаҳат берилади. Бунда темир-бетон кон-струкцияларнинг ёриққа бардошлилик талаблари категориясига, жумладан, ёриқларнинг рухсат этилган чегаравий кенглигига қўлланаётган арматура пўла-тининг туркуми назарда тутиб ва муҳитнинг агрессив таъсир даражасига қараб белгилаш керак бўлади.

Газсимон ва қаттиқ агрессив муҳитларда фойдаланишга мўлжалланган конструкциялар учун бу талаблар 9-жадвалда келтирилган, суюқ агрессив, муҳитлар учун эса - 11-жадвалда келтирилган.

9-11-жадвалларда келтирилган ёриқларнинг давомий бўлмаган очилиш кенглигини аниқлашда куйидагилар рухсат этилади:

меъёрий қийматдан 30% миқдорда шамол кучини қабул қилиш;

бир кўприксимон кран ёки осма краннинг ҳар бир кран йўлидаги кран ку-чини ҳисобга олиш. Бунда 2.01.07-85 СНиП да назарда тutilган кучлардан давомий бўлмаган ёриқ очилиши 2.03.01-84 СНиП ида меъёрга солинганидан ошмаслиги керак.

Эслатма. Минора, тутун мўриси, ЛЭП таянчи типидagi шамол кучи аниқлаб берувчи вазифасини ўтайдиған иншоотлар ҳисоби учун шамол кучини тўлалигича ҳисобга олиш зарур.

2.18. Арматура пўлати коррозиядан зарарланиши ҳавфи даражаси бўйича уч гуруҳга бўлинади (9 ва 10-жадваллар).

Агрессив муҳитларда фойдаланиладиган олдиндан зўриққан конструкцияларни арматуралаш учун II гуруҳга кирувчи арматура пўлати назарда тutilиши маъқулроқ бўлади.

2.19. Ҳимоя қатлами қалинлиги ва газсимон ва қаттиқ агресссия муҳитлар таъсиридаги бетон сув ўтказмаслигига бўлган талаблар 10-жадвал баён этилган, суюқ муҳитлар таъсирида эса - 11-жадвалда берилган.

2.20. Ясси плиталар, қиррали плиталар тахталари ва девор панели тахталари конструкциялари оғир ва енгил бетонининг ҳимоя қатлами қалинлигини газсимон муҳитнинг паст агрессив ва ўрта агрессив таъсири учун 15 мм га тенг қилиб, кучли агрессив таъсир даражаси учун эса арматура пўлатининг синфидан қатъий назар, 20 мм га тенг қилиб қабул қилиш керак бўлади.

Монолит конструкцияларнинг ҳимоя қалинлигини 10, 11-жадвалларда



кўрсатилганидай 5 мм дан ортиқ миқдорни қабул қилиш тавсия этилади.

Олдиндан зўриққан темир-бетон конструкциялар учун ёриққа бардошлиликнинг 2-категориясидаги давомий бўлмаган ёриқлар очилиши кенглигини ҳимоя қатлами қалинлигини 10 мм оширганда 0,005 мм дан ортиқ қилиб қабул қилиш тавсия этилади.

2.21. Паст ва ўртача агрессив таъсир даражасида рухланган арматурани қўллашда ҳимоя қатлами қалинлигини Х5 мм га қисқартиришга ёки бетоннинг ўтказувчанлигини бир поғона оширишга рухсат этилади. Бунда бетоннинг сув ўтказмаслик маркази W4дан паст бўлмаслиги керак.

2.22. Ёриққа бардошлилик конструкцияларига В-I ва В-II синфига кирувчи, 4 мм дан кам диаметрдаги симларни назарда тутишга рухсат берилмайди.

2.23. Олдиндан зўриққан конструкцияларни агрессив муҳитли бинолар учун қотган бетонга арматурани тортиш усули билан тайёрлашга рухсат этилмайди.

2.24. Олдиндан зўриққан темир-бетон конструкциялар учун арматура симарқонларини сиртдан камида 2,5 мм ва ички қатламда эса 2,0 мм дан кам бўлмаган симдан қилиш назарда тутилиши керак.

2.25. Агрессив муҳитларда энли бетонлардан бетон ва темир-бетон конструкцияларни 10-11-жадвалларга кўра уларнинг сув ўтказмаслиги талабларига мувофиқ қўллашга рухсат этилади.

2.26. Енгил бетонлар юк кўтарувчи конструкцияларини сув шимилиши 14% дан юқори бўлган ғовакли тўлдиргичларга ҳажми бўйича агрессив муҳитларда қўллашга рухсат этилмайди:

2.27. Енгил ва ғовакли бетонлар тўсиқли конструкцияларини агрессив газсимон ва қаттиқ муҳитли ишлаб чиқариш учун 12- жадвал бўйича қабул қилиш маслаҳат берилади.

2.28. Армоцемент конструкцияларини паст агрессив газсимон ва қаттиқ муҳитларда қўллашга рухсат этилади. Газсимон муҳитда ҳимоя қатламининг қалинлиги 4 мм дан кам бўлмаслиги керак, бетоннинг сув шимилиши эса - арматура тўри ва 30 мкм.дан кам бўлмаган рух қопланган сим билан ҳимояланган ёки конструкциялар сатҳи III гуруҳга кирувчи лок-бўёқ билан муҳофаза қилинганда ошиғи билан 8% бўлиши зарур. Қаттиқ муҳитда кўрсатилган тадбирларга қўшимча равишда бир вақтнинг ўзида арматурани ва конструкцияни ҳимоялашни амалта ошириш маслаҳат берилади.

2.29. Бетонлаш чоғи ҳимоя қопламаси бўлмаган бириктирувни элементларнинг ўрнатиш пўлат қисмларининг ҳимоя қатлами қалинлиги ва бетоннинг сув ўтказмаслиги маркази уланаётган конструкциялар бетониға тааллуқли талабларга мос келиши зарур.

## БЕТОН ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАР САТҲИНИ КОРРОЗИЯДАН САҚЛАШ

2.30. Конструкциялар сатҳини ҳимоя қилишда 13-жадвалда кўрсатилган ҳолатларни назарда тутиш керак бўлади ва муҳитларнинг агрессив таъсир

кўриниши ва даражасига қараб тайинланади.

2.31. Конструкцияларни лойиҳалаштиришда қуйидагиларни назарда тутиш керак:

лок-бўёқли қопламалар - газсимон ва каттиқ муҳитлар ҳаракатида (аэрозоллар);

лок-бўёқли қалин қатламли (мастика) қопламалар - суюқ муҳитлар ҳаракатида каттиқ агрессив муҳит билан қопламанинг бевосита тўқнаш келиши - контактда бўлиши;

елимли қопламалар-суюқ муҳитлар ҳаракатида, грунтларда қопламаларнинг сув ўтказмайдиган қатлами сифатида;

қопламалар, жумладан, полимер бетонларда - суюқ муҳит ҳаракатида, грунтларда елимли қопламаларни механик зарарланишдан ҳимояси сифатида;

кимёвий бардошли матеиаллар билан сингдириш (зичловчи) - суюқ муҳит ҳаракати таъсирида, грунтларда;

гидрофоблаш (сув юқтирмаслик) - сув ёки атмосфера ёғинлари билан даврий равишда намлаш билан, конденсат ҳосил қилиб, сатҳга лок-бўёқ қопламалар остидан грунт қатламини юпқалашга қадар ишлов бериш сифатида.

## 12-ЖАДВАЛ

Бинодаги муҳитнинг агрессив таъсир даражаси	Тўсувчи конструкциялар ҳимоясига талаблар	
	Енгил бетонлардан (қалин тузилишдаги)	Цемент ёки аралаш ёпишқоқдаги автоклавда қотирилган ғовакли бетонлардан
Паст агрессив	Конструкцияларни оғир ёки конструкцион бетондан агрессив муҳит таъсирдан сақланадиган ҳимоя қатлами бўлса, рухсат этилади	Конструкцияларни арматурани махсус қоплама билан ҳимояланган ва бетон сиртини пароизоляция қилувчи лок-бўёқ билан қоплаган ҳолларда ишлатишга рухсат этилади.
Ўрта агрессив	Конструкцияларни агрессив муҳит таъсирдан сақланадиган оғир ёки енгил конструкцион бетондан лок-бўёқ қоплама билан ҳимояланган қатлами бўлсагина, қўллашга рухсат этилади	Қўллашга рухсат этилмайди
Кучли агрессив	Қўллашга рухсат этилмайди	Худди шундай

*ЭСЛАТМА: 1. Оғир ёки енгил конструкциявий бетондан қилинган ҳимоя қатлами сув ўтказмаслик бўйича маркази 10-жадвал талабларига мувофиқ келиши керак.*

*2. Агрессив муҳит биноларнинг намлиги ёки ҳўллик тартиби ҳамда углекислий гази - карбонат ангидрид мавжудлиги билан таърифланадиган иморат ва иншоотларда лок-бўёқ ҳимоясиз енгил бетон конструкцияларни қўллашга рухсат этилади, ғовакли бетонларда эса - паст агрессив муҳитлар учун ҳимоя билан рухсат этилади. Қопламалар гуруҳи 13-жадвалда келтирилган.*

2.32. Лок-бўёқли, елимли қопламаларни уларнинг ҳимоя хоссаларига кўра тўрт гуруҳга бўлинади (қопламалар гуруҳининг ҳимоя қилиш хоссалари биринчидан тўртинчигача кўтарилади).

Темир-бетон конструкция сатҳини ҳимоялаш учун фойдаланиладиган лок-бўёқ материаллари 3-маълумот иловасида келтирилган.

Ёриққа бардошли лок-бўёқли қопламаларни, деформациялари 9-11-жадвалларида кўсатилгани каби ёриқларнинг чегаравий очилиши билан борадиган конструкциялар учун назарда тутиш керак бўлади.

Суюқ агрессив муҳит билан мулоқотда бўладиган темир-бетон конструкциялар сатҳини ҳимоялаш учун лок-бўёқли қалин қатламли (мастикали), елимлик қопламалар 4-маълумот иловасида келтирилган. Лок-бўёқли қопламаларни, ўрама, лист материалларини, шунингдек, герметиклар композициясини битум негизида суюқ органик муҳитларда (мой, нефть маҳсулотлари, эритувчилари) қўллашга рухсат этилмайди.

2.33. Бетон ва темир-бетон пойдеворлари ва иншоотлари тагини ҳимоя қилиш учун агрессив муҳитга чидамли ихоталаш қурилмасини назарда тутиш керак бўлади.

2.34. Агрессив грунт суви ва грунт билан тўқнаш келадиган мулоқотда бўладиган ер ости бетон ва темир-бетон конструкцияларнинг ёнбош сиртларини тавсия қилинган 5-иловасига мувофиқ грунт сувларининг кўтарилиш эҳтимоли ва уларнинг иншоотни фойдаланишга топшириш жараёнида агрессивлигини ҳисобга олган ҳолда ҳимоя қилиш керак бўлади.

Грунтларда сувда эрийдиган тузлар 1% дан ортиқ бўлса, ўртача ҳаво даражаси энг иссиқ ойда 25С дан ортиқ, ҳавонинг ўртача нисбий ойлик намлиги камида 40% бўлганда пойдеворлар-фундаментларнинг бутун сатҳини гидроизоляция-сувдан ҳимоялаш қурилмасини албатта назарда тутиш зарур.

Муҳит	Муҳитнинг агрессив оддий таъсир даражаси	Қопламалар гуруҳи (чизик устида) ва қоплама қалинлиги мм (чизик остида)			
		Л о к – б ў ё қ л и		елимланган	қопланган
		қалин	қатламли (мастикали)		
Газсимон, қаттиқ	паст агрессив	I*II 0,1-0,15	—	—	—
	ўрта агрессив	III** 0,15-0,2	—	—	—
	кучли агрессив	IV 0,2-0,25	—	—	—
Суюқ	паст агрессив	—	II 1,0-1,5	—	II
	ўрта агрессив	—	III 1,5-2,5	III – IV	II
	кучли агрессив	—	IV 2,5-5,0	IV	IV

<sup>1</sup> Қалинлик қопламанинг ҳамма элементини ўз ичига олади.

\* I ва II гуруҳларга кирадиган қопламаларни пардозлашга талаблари бўлгандагина қўллаш тавсия этилади.

\*\* III гуруҳга кирувчи қопламаларни V гуруҳидаги газлар бўлганда ҳамда биноларнинг нам

*ва ҳўл тартибида (ёки нам зонада), шунингдек, енгил ва зовакли бетонлардан қилинган тўсувчи конструкцияларининг ички сатҳини химоялашда қўллаш маслаҳат берилади.*

2.35. Сууюқ агрессив муҳит мавжуд бўлса, металл колонна-устун ва асбоб-ускуналар остидаги бетон ва темир-бетон фундамент-пойдеворлар, шунингдек, полга туташ бошқа конструкцияларнинг сатҳи участкалари кимёвий бардошли материаллар билан камида 300 мм баландликда пол юзасидан химоя қилиниши керак. Пойдеворларга мунтазам равишда суюқликларнинг ўртача ва кучли агрессив таъсир кўрсатиш ҳолларида таглик қурилмасини албатта назарда тутиш керак бўлади. Конструкциялар участкаларининг технологик тадбирлар билан ҳам олдини олиб бўлмайдиган агрессив суюқликларнинг қуйилиши ёки сачраши ҳолларида қўшимча маҳаллий елимли қопламалар ва бошқа қопламалар билан қопланган бўлиши зарур.

2.36. Ер ости коммуникацияларнинг бетон ва темир-бетонга нисбатан агрессив суюқликларини ташувчи қувурлари каналлар ёки туннелларда жойлаштирилиши ҳамда мунтазам текшириб туриш мумкин бўлиши керак.

Агрессив суюқлик ташувчи лоток-новлари, чуқурликлар олди, коллекторлар иморатлар пойдеворларидан, устунлардан, деворлар, ускуналари остидаги пойдеворлардан камида 1 м олисликда бўлиши керак.

2.37. Қоқиладиган титратиб ботирадиган қозикларнинг юзаси механик мустаҳкам қопламалар билан ёки ботириш жараёнида химоявий хоссаларини сақлай олувчи шимдириш билан химояланган бўлиши зарур. Бунда бетон ва қозикни сув ўтказмаслиги бўйича W6 дан паст бўлмаган маркани қабул қилиш керак бўлади.

Қозикларнинг юзасини лок-бўёқ билан (мастика) қоплаш ёки шимдириш билан химоялашда қоқиладиган қозикларнинг юк кўтариш лаёқатини синаб кўриш йўли билан аниқлаш тавсия этилади.

2.38. Юзасини химоя қилиш мушкул бўлиб қолган конструкциялар учун (бурғулаш қозиклари, “грунтдаги девор” усули билан олиб борилувчи конструкциялар ва бошқ.) цементлар, тўлдиргичларнинг махсус турларининг бошланғич химоясини қўллаш ҳамда бетон таркибини саралаш билан, бетоннинг чидамлилигини оширувчи қўшимча киритиш ва ҳ.к. йўллар билан химоя қилинади.

2.39. Тўсувчи конструкцияларнинг деформацион чокларида руҳланган, зангламайдиган пўлат компенсаторларни ёки полиизобутилен ёки бошқа материалларни назарда тутиш ҳамда уларни кимёвий бардошли мастика билан зичлаб мустаҳкамлаган ҳолда ўрнатиш зарур. Деформацион чок конструкциясида ундан агрессив муҳитнинг томиши эҳтимолини йўқ қилиши керак. Тўсувчи конструкцияларни бириктириш жойлари ва чокларини герметизация қилишда герметиклар тирқишларини тўлдириш йўли назарда тутилиши керак бўлади.

2.40. Темир-бетон конструкцияларнинг необетонлаштирадиган пўлат ўрнатиш қисмлари ва бириктирувчи элементларини коррозиядан химоя қилишда қуйидагиларни назарда тутиш керак:

қуруқ ва мўътадил намлик тартибидаги биноларда муҳитнинг ноагрессив ва паст агрессив таъсир даражасида лок-бўёқ қоплаш (3-маълумот

иловасида);

муҳитнинг ноагрессив ва паст агрессив таъсири даражасида нам ёки ҳўл тартибдаги биноларда металл қопламалари (руҳ ва алюминий билан) қоплаш;

муҳитнинг ўртача ва кучли агрессив таъсир даражасида комбинация қилинган - бирга қўшилган қопламалар (металлашган қатлами бўйича лок-бўёк ишлатиш) қоплаш.

Бир-бирига тегиб турадиган текисликда пармалаб бирлаштирилган ўрнатиш қисмлари ва бириктирувчи элементларга ҳимоя қопламалар қопламасликка руҳсат берилади.

2.41. Атмосфера намлигига, конденсат, саноат сувлари таъсирига йўлиқувчи ташқи тўсувчи конструкцияларнинг туташ жойларида ўрнатиш қисмлари ва бириктирувчи элементлари муҳитнинг агрессив таъсир даражасидан қатъий назар, металл ёки комбинация қилинган қопламалар билан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

2.42. Уларда эксплуатация пайтида қопламаларни қайта тиклаш имконияти тўла бўлган бирлаштирувчи элементлар ва ўрнатиш қисмларининг юзасини ҳимоялашда, муҳитнинг агрессив таъсир даражасидан қатъий назар, лок-бўёк қопламалари назарда тутилиши зарур.

2.43. Конструкцияга муҳитнинг кучли агрессив таъсир кўрсатишида комбинация қилинган қопламалар (руҳ ва алюминий асосида металл остидан қоплаш) бардошли чикмаса, унда темир-бетон конструкцияларнинг необетонлаштирадиган ўрнатиш қисмлари ва бириктирувчи элементлари мазкур муҳитга кимёвий бардошли бўлиши назарда тутилиши зарур.

2.44. Автоклавда қотирилган бетон конструкцияларнинг ўрнатиш қисмларини ҳимоя қилиш учун алюминий қопламаларни назарда тутиш керак бўлади.

Шу билан бирга таркибида олтингугурт гази ва серовород-водород сульфид сақланган агрессив газсимон муҳитидаги бино ва иншоотлар конструкцияларнинг ўрнатиш қисмлари ва бириктирувчи элементлар ҳимояси учун алюминий қопламаларни ишлатиш маслаҳат берилади. Бетон билан мулоқот бўладиган ўрнатиш қисмларига алюминий қоплаш устига конструкцияларни бетонлашгача яна қўшимча равишда ҳимоявий қайта ишланиши лозим.

2.45. Комбинация қилинган металлизацион қопламалар ва металлизацион қатлам қалинлиги руҳ ва алюминий қопламалар учун камида 120 мм бўлиши зарур.

Қайноқ руҳлаб олинадиган руҳ қопламалар қалинлиги камида 50 мкм бўлиши, гальваник усулда эса - камида 30 мкм бўлиши керак.

Эслатма 120 мкм.дан ортиқ алюминий қопламалар қалинлигида пармалаш олдидан ўрнатиш қисмларидан пармалаш чоки югуртириладиган жойдан қоплама кўчириб ташланиши маслаҳат берилади.

2.46. Бетон ва темир-бетон конструкцияларни коррозиядан ҳимоя қилишда мазкур меъёрларда назарда тутилган тадбирлар ёрдам бермаган ҳолларда кимёвий бардошли бетон конструкциялар - полимербетон ёки кислотага бардошли бетонларни қўллаш керак бўлади.

## ПОЛЛАР

2.47. Полни гидроизоляция қилиш—судан ихоталаш учун полга суюқ мушит таъсирининг интенсивлиги ва бу мухитларнинг агрессив таъсир даражасига қараб танлаш керак бўлади.

Интенсивлиги кичик ва агрессив таъсир даражаси суст бўлса, унда бўйаш изоляцияси назарда тутилиши зарур.

Суюқ мухитнинг ўртача ва катта интенсивлиги, таъсир даражасининг пат агрессивлигида ёки кичик интенсивликда мухитнинг ўртача ва кучли агрессив таъсир даражасида битум—қатрон асосида ўрама материаллардан ёки ўрама ва тахтасимон полимер материаллардан тайёрланадиган ёпиштириладиган изоляция назарда тутилиши керак бўлади.

Суюқ мухитнинг катта интенсивлигида, кучли агрессив таъсир даражасида кучайтирилган ёпиштирилган изоляция назарда тутилиши зарур. Кучайтирилган изоляцияни, шунингдек, масофадаги каналлар ва оқар лотокновлар остидан уни ҳар томонга 1 м масофада назарда тутилиши керак.

Полларни ҳимоялаш учун материаллар тавсия қилинган 6 ва 7-иловаларда келтирилган.

Поллардан ювиш сувлари ва технологик агрессив эритмаларни оқизиш учун текшириб кўриш ва таъмирлаш мумкин бўлган, уларни тўғри чизикли участкалардан максимал узунликдаги оқар канал ва ариқлар назарда тутилиши зарур.

2.48. Грунтда полларни лойихалаштиришда ўртача ва кучли агрессив таъсир даражасида ўртача ва катта интенсивлик ҳолларида кўшимча равишда грунт сувларининг мавжудлиги ва уларнинг сатҳидан қатъий назар, остидан тўшама изоляциясини назарда тутиш керак бўлади.

2.49. Пол сатҳида ёки юқорида мўлжалланган ускуналар остидаги пойдеворлар, пол конструкцияси билан ягона яхлит гидроизоляцияга эга бўлмоғи зарур. Бутунликни сақлаш мақсадида компенсаторлар мосламасини ёки шунга ўхшаш тадбирларни назарда тутиш тавсия этилади.

## ТУТУН, ГАЗ ТУТУНЛАРИ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ МЎРИЛАРИ (ДУДБУРОНЛАР), ҲАЖМЛИ ИНШОТЛАР ВА ҚУВУРЛАР

2.50. Агрессив газсимон ички мухитли темир-бетон қувурлар учун мустаҳкамлиги класси-туркуми бўйича ВЭО дан паст бўлмаган бетонни, совукда бардошлилиги бўйича—камида F200 маркасини, сув ўтказмаслиги бўйича камида W8 ни қўллаш маслаҳат берилади.

2.51. Агрессив газсимон мухитли, таркибида олтингутурт қоришмасини сақлаган тутун ва газ темир-бетон мўрилари учун албатта сульфатга бардошли портландцемент бетонини ёки сульфатга бардош бера оладиган минерал қўшимчали портландцемент бетонини қўллаш зарур. Клинкери таркибидаги уч кальцийли алюминати C<sub>3</sub>A 7% дан ошмайдиган минерал қўшимчали портландцементларни қўллашга рухсат этилади.

2.52. Мўри бетони учун тўлдиргичлар сифатида тоғ жинсларидан сара шағал ва кварцли ёки дала шпатига оид минералларни қўллаш керак бўлади.

2.53. Темир-бетон за газ мўриларининг стволлари-танасининг ички юзасини ҳимоя қилиш, шунингдек, бурканиш зоналари участкаларининг ташқи юзасини ҳимоялашни 80 о гача температурада лок-бўёқ қопламалар агрессив таъсир муҳитларининг даражасига қараб, 13-жадвалга ва 3-мажбурий иловага мувофиқ бажариш керак бўлади.

2.54. Конденсат ҳосил бўлиши мумкин бўлган мўрилар ва пойдеворлар стволларининг участкалари мастика ёки қисқич билан суваш мосламаси билан елимлаб ҳимояланган бўлиши зарур.

2.55. Тутун мўрилари-дудбуронларни футеровка қилиш—чидамли ашё билан суваш учун кислотага бардошли ёки кислотабардош қоришма ёки эритма солинган лой ғишт ишлатиш тавсия этилади.

Газ-тутун мўриларини футеровка қилиш учун албатта кислотага бардошли қоришмага солинган кислотага бардошли ғиштни қўллаш зарур.

Темир-бетон вентиляция мўриларини футеровка қилиш учун андозавий кислотага бардошли керамика ва кислотага бардошли полимер ёки кислотабардош қоришмага солинган ғишт қўлланиши зарур.

2.56. Мўрилар пойдеворлар ва газ чиқиндилари мўриларининг ташқи сатҳини ҳимоя қилиш ер ости конструкцияларини коррозиядан сақлаш талабларига мувофиқ назарда тутилиши керак бўлади.

2.57. Ҳажмли иншоотлар ва ер ости қувурлари учун суюқ муҳитлар таъсири даражасини 5-8-жадвалларга биноан аниқланади.

Нефть ва нефть маҳсулотари сақланадиган резервуарларнинг тублари ва деворлари ички юзаси учун ишланмаган хом нефть ва мазут конструкцияларига таъсирни худди ўрта агрессив сингари, мазутга, дизель ёнилғисига ва керосинга худди паст агрессив сингари баҳолаш керак бўлади. Резервуарларнинг ички юзасини қоплаш учун санаб ўтилган суюқликлар таъсирини худди паст агрессив сингари баҳолаш лозим.

2.58. Ҳажмли иншоотларнинг темир-бетон конструкцияларига бўлган талаблар муҳитнинг агрессив таъсири даражасига қараб 11-жадвали бўйича қабул қилинади.

Ҳажмли иншоотларда нефть ва нефть маҳсулотлари учун сув ўтказмаслик бўйича камида W8 маркали бетон қўлланиши зарур.

2.59. Ҳажмли иншоотлар конструкцияларининг ички юзасини коррозиядан сақлаш усулларини 13-жадвал ва 4-маълумот иловасига биноан қабул қилиш керак бўлади.

2.60. Грунтга чуқурлаштириб киритилган ҳажмли конструкциялар, темирбетон юзасига грунт нами киришини истисно қиладиган ташқи гидроизоляцияга эга бўлмоғи зарур.

2.61. Ер ости қувур ўтказгичларининг темир-бетон қувурларини коррозиядан сақлашнинг таркибида грунтлардан сув тортишида ёки грунт сувларида (ГОСТ 9.015-74\*) хлорионлар сақланишида электрохимёвий усуллар билан ҳимоя қилиш керак бўлади, қуйидагича мг/л:

виброгидропрессланган қувурлар учун (ГОСТ 12586.1-83\*) 500 дан

ортиқ, пўлат ўзакли қувурлар учун сув ўтказмаслик бўйича W4 маркали бетоннинг химоя қатлами ва 0,1 мм ёриқнинг очилиши рухсат этилган кенглигида 300 дан ортиқ; сув ўтказмаслик бўйича камида W4 маркали бетоннинг химоя қатлами ва ёриқнинг очилиши рухсат этилган 0,2 мм даги кенглиги 150 дан ортиқ.

Лойиҳалаштириш электрокимёвий химоя борасида албатта темир-бетон қувурлари металл бўйича узлуксиз электр ўтказилишини таъминловчи тадбирларни назарда тутиш зарур.

## ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ЭЛЕКТРКОРРОЗИЯДАН САҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

2.62. Электрокоррозиядан химояланишда қуйидаги жиҳатлар назарда тутилиши керак:

доимий ток мосламасидан адашган токларнинг қуйидагилар учун мавжудлиги;

электролиз бўлимларининг бино ва иншоотлари темир-бетон конструкциялари учун;

рельс нақлиётининг доимий токдаги электрлашган иншоотлари конструкциялари учун;

қувур ўтказгичлар, коллекторлар, пойдеворлар ва бошқа узунликдаги ер ости конструкцияларининг бегона манбадан ток майдонида жойлашган бинолар ва иншоотлар учун;

ўзгарувчан ток таъсири остида темир-бетон конструкциялардан ерга уланган мосламалар сифатида фойдаланишда.

2.63. Адашган токлардан коррозияга учраш ҳавфини арматура потенниалининг катта-кичиклиги, миқдори бўйича белгилаш тавсия этилади - бетон ёки арматурадан токнинг чиқиб кетиш зичлиги бўйича аниқланади. Ҳавф кўрсаткичлари 14-жадвалда келтирилган.

2.64. Электролиз бўлимлари бино ва иншоотларининг темир-бетон конструкцияларининг ҳолати ва рельс нақлиётининг доимий токидаги электрлашган темир-бетон конструкциялари ҳавфлилиги олдиндан маълум ҳисобланади, шу туфайли бу конструкцияларни лойиҳалаштириш пайтида мажбурий тарзда электрокоррозиядан сақланиш тадбирларини назарда тутиш керак.

Бегона манба токи майдонида жойлашган ер ости темир-бетон конструкцияларни электрокоррозияга йўлиқиш ҳавфи ва уларни электрокоррозиядан химоя қилиш зарурияти ҳисоб-китоб асосида ёки адашган токларнинг грунтда кучланишини электр ўлчови ёки яқин-атрофда ўхшаш темир-бетон конструкцияларнинг йўқлиги билан белгиланиши керак.

2.65. Ер ости қурилмалари сифатида фойдаланиладиган конструкциялар учун ўзгарувчан токнинг саноат частотаси коррозияси ҳавфи, грунтдаги ер ости конструкцияларининг арматуралари ташқари юзасидан узок оқиши, токнинг зичлиги 10 мА/дм<sup>3</sup> дан ошиши билан аниқланади.

2.66. Темир-бетон конструкцияларни адашган ток коррозиясидан химоя қилиш усулларга қуйидаги гуруҳларга бўлинади:



I - адашган тоқлар манбаларида бажариладиган тоқлар чиқиши кетишини чеклаш;

II - темир-бетон конструкцияларда бажариладиган пасс ҳимоя;

III - агарда пассив ҳимоянинг иложи бўлмаса ёки етарли бўлмаса темир-бетон конструкцияларда бажариладиган актив (электркимёвий ҳимоя).

Электролиз бўлимларидаги бино ва иншоотларнинг темир-бетон конструкцияларини ҳамда рельс нақлиётининг доимий тоқидаги электрлашган иншоотларини лойиҳалаштиришда I ва II гуруҳларга кирувчи электрокоррозиядан сақланиш усулларини назарда тутиш керак бўлади.

2.67. Электролиз бўлимларидаги бинолар ва иншоотлар, темир-бетон конструкциялар ҳамда рельс нақлиётининг доимий тоқидаги электрлашган иншоотларнинг пассив ҳимояси қуйидагилар билан таъминланиши зарур:

сув ўтказмаслик бўйича бетон маркасини қўллашда W6 дан кам бўлмаслиги керак;

бетоннинг электрга қаршилигини пасайтирувчи қўшимчалар қўшилган бетонни, жумладан, коррозияга мойил пўлатни ишлатмаслик;

бетоннинг ҳимоя қатлами қалинлигини камида 20 мм, мулоқот тармоқ таянчи учун эса камида 16 мм белгилаш;

олдиндан кучланган конструкциялар учун ёриқларнинг очилиш кенглигини ошиғи билан 0,1 мм да ва одатдаги конструкциялар учун эса ошиғи билан 0,2 мм да чеклаш.

2.68. Бегона манба тоқи майдонидаги конструкциялар бетонида хлорли тузлар қўшимчасини юборишга рухсат этилмайди, олдиндан кучланган, АТ-ІУ, АТ-У, А-У ва А-УІ туркумидаги пўлатлар билан арматураланган конструкциялар бетонида эса—хлорли тузлар, нитрат ва нитритлар қўшимчаларини юбориш ман этилади.

2.69. Электролиз бўлимлари бино ва иншоотларини электркоррозиядан сақлаш учун қуйидагиларни назарда тутиш тавсия этилади:

электролизерларга ҳизмат кўрсатиш учун темир-бетон ораёпмаларда, ер ости темир-бетон конструкцияларда электроизоляция чоклар қурилмасини;

электр кўтарувчи жиҳозларга (таянч, электролизерлар остидаги тўсин ва пойдеворлар, шина ўтказгичлар остидаги таянч симёғочлари, таянч тўсинлари ҳамда электролизерлар билан туташ жиҳозлар остидаги пойдеворлар) ёнма-ён конструкциялар учун полимер бетонни қўллаш, электролиз бўлимларида сув эритмаларини қўллаш;

конструкцияларга эритма тўкилиб кетишининг олдини олиш тадбирлари (ҳимоя соябони қурилмасини ўрнатиш ва ҳ.к.);

пойдеворлар юзасини ер ости конструкцияларини коррозиядан сақлаш учун тавсия қилинган қопламалар билан ҳимоя қилиш;

агарда пойдеворлар грунт, каналлар, новлар ва бошқа конструкциялар бошқа электролиз бўлимлари сув эритмалари сатҳи билан барабар ёки паст ўрнатилган бўлса, унда электролизерлар остидаги пойдеворларни пўлат билан арматуралашга рухсат этилмайди.

2.70. Рельс транспорти иншоотларининг темир-бетон конструкцияларини электрокоррозиядан сақлашда мулоқот тармоғи занжири ерга уланганда

ва мулоқот тармоғининг кўприк, эстакада, тоннель ва бошқа конструкция элементларига қисмларни маҳкамлаганда камида 10000 Ом электр қаршилигини таъминловчи электрдан изоляция қилувчи қисмлар ва мосламаларни назарда тутиш керак бўлади:

2.71. Темир-бетон конструкциялардан ерга улаш мосламалари сифатида фойдаланиш жараёнида конструкциянинг барча элементларининг арматураларини (шунингдек, электр технологик ускуналарни бирлаштириш учун ўрнатиш қисмлари) узлуксиз электр токи тармоғида металл бўйлаб арматуралар ёки конструкцияларнинг бир-бирига тегиб турадиган ўрнатиш қисмларини пайвандлаш йўли билан бирлаштиришни назарда тутиши керак бўлади. Бунинг устига конструкция иши ҳисоб жадвали ўзгариши мумкин эмас.

2.72. Ўртача ва кучли даражадаги агрессив таъсирга учрайдиган темир-бетон пойдеворлардан, ерга уловчи сифатида фойдаланишга, шунингдек, темир-бетон конструкцияларидан доимий электр токида ишлайдиган электр қурилмаларини ерга улашга рухсат этилмайди.

14-ЖАДВАЛ

Конструкциялар	Анодли ва белги-ўзгарувчан зоналарда ҳавфнинг асосий кўрсаткичлари <sup>1</sup>		
	Бино ва иншоотлар	мис-сульфат электрод нисбати бўйича потенциал арматура-бетон, В	арматурадан ток чиқиш зичлиги, мА/дм <sup>2</sup>
Ер остидаги	2.62-бандда кўрсатилганича таркибида 0,2 г/л* грунт сувида СL нинг сақланиши	ошиғи б-н 0,5	ошиғи б-н 0,6
Ер устидаги	электролиз бўлимлари эритиш, рельс нақлиёти саноат иншоотлари сув эритмалари электролиз бўлимлари	о. 0,5	о. 0,6
		о. 0,0	о. 0,6

<sup>1</sup> Келтирилган кўрсаткичлар 2.67-бобда кўрсатилгандан ошиқ бўлмаган кенгликда ёриқлар очилган конструкциялардаги арматураларни ҳимояланган шартдагина ҳақиқийдир 2.67-бобда кўрсатилгандан ошиқ ёриқлар очилган бетоннинг ҳимоя қатламининг мавжудлигида электркоррозия ҳавфи кўрсаткичларини ГОСТ - 9.015-74\* бўйича қабул қилиш керак бўлади.

\* Грунт сувларида хлор ионларининг сақланиши ГОСТ 9.015-74\* га мувофиқ аниқланиб ишлаб чиқилади.

Конструкциялардан фойдаланиш шартлари	Ёғоч конструкциялар ва уларнинг элементлари	Намланиш табиати	Бинонинг нам режимда биологик агентларнинг агрессив таъсир даражаси (чизик остида) ёки нам зонада (чизик остида)	
			қуруқ, нормал қуруқ, нормал	нам, хўл нам
Бино ичида ёки бостирма остида	Юк кўтарувчи элемент боғламалар, сарровлар, муҳит ички пардеворлар, деворлар, осма шифтлар элементлари ва бошқ.	Газсимон	Ноагрессив	Паст агрессив
	Конструкциянинг таянч элементлари, бошқа материаллар, пол тўсинлари, пол тахтаси, дераза ва эшик блоклари тўсувчи пойпеш элементи конструкциялари билан кесишиш жойлари	Вақти-вақти билан намлаш ва музлаш	Ўрта агрессив	
	Юк кўтариш конструкция элементлари, боғламалар, пол тўсинлари, тўсувчи конструкциялар қоплама.	Конденсацион намланиш	Ўрта агрессив	
	Плита қопламалари, тўсувчи конструкциялар синчи	Худи шундай	Кучли агрессив	
Очиқ ҳавода	Очиқ иншоотларнинг юқори қисми, томнинг очиқ элементлари, кўприк элементлари	Атмосфера ёғини	Ўрта агрессив	
	ПЭП таянчи, симёғочлар, қозиклар, кўприк элементлари	Грунт билан контактда	Кучли агрессив	
	Соҳил иншоотлари конструкциялари, градирня сув совитиш иншооти	Сувнинг ўзгарувчан сатҳи зонаси	-“-	

### 3. ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР

3.1. Ёғоч конструкцияларга биологик агентлар-дарахтни емирувчи замбуруғлар ва бошқалар ёғоч ўзагини биологик коррозияга йўлиқтириб, агрессив таъсир кўрсатади, шу билан кимёвий агрессив муҳитлар (газсимон, қаттиқ, суюқ) ёғоч ўзагини кимёвий коррозияга олиб келади.

3.2. Ёғочга биологик агентларнинг агрессив таъсир даражасини 15-жадвал бўйича қабул қилиш керак бўлади.

Ёғочдан қилинган конструкцияларга кимёвий агрессив муҳит таъсири даражаси қуйидагича келтирилган:

газсимон - 16-жадвалда, қаттиқ - 17-жадвалда, суюқ ноорганик муҳитлар – 18-жадвалда, суюқ органиклари - 19-жадвалда келтирилган.

3.3. Ўрта ва кучли таъсири бўлган кимёвий муҳитларда фойдаланиш учун ёғоч конструкцияларни лойиҳалаштиришда биологик агентларнинг таъсир ҳаракати ҳисобга олинмайди.

3.4. Бино ва иншоотларнинг конструктив қарорлари ёғоч конструкцияларни кўриб туриш ҳамда ҳимоя қопламаларини қайта тиклашга имконият бера олиши керак.

3.5. Агрессив таъсирнинг ўрта ва кучли таъсири остида кимёвий муҳитларда фойдаланишга мўлжалланган ёғоч конструкциялар учун қуйидаги қўшимча талабларни назарда тутиш зарур:

конструкцияларни тайёрлаш учун игнабаргли нав дарахт (қарағай, қорақарағай ва бошқ.) ёғочини қўллаш;

конструкция элгементларини феноль, резорцин ва феноль-резорцинли елимлар билан ёпиштириш;

Юк кўтарувчи конструкцияларни яхлит кесимдаги элементлардан (ёпиштирилган, бруслардан қилинган) лойиҳалаштириш.

Тўсувчи конструкциялар сифатида елимланган фанер панелларни қўллаш керак бўлади. Тахтадан ясалган том ёпмаси тўшамаси ва девор панеллари қопламасини уларни коррозиядан сақлаш талабларини таъминлаган шарт билан қўллашга рухсат этилади.

3.6. Конструкцияларни минимал - энг оз миқдордаги бирлаштирувчи металл қисмлари ва кимёвий бардошли материалларни (полимерлар билан модификация қилинган ёғоч, шишапластиклар ва бошқ.) қўллаш билан бирга лойиҳалаштириш керак бўлади. Бирлаштирувчи металл қисмларни қўллашда уларни коррозиядан сақлаш тадбирлари ҳам назарда тутилиши керак.

3.7. Ёғоч конструкцияларни биологик агентлар кўзгаган коррозиядан сақлаш деганда антисептика, консервация қилиш, лок-бўёқ материаллар билан қоплаш ёки юзасини комплекс таъсир қилувчи таркибий моддаларга шимдириб олиш кўзда тутилади. Кимёвий агрессив муҳитлар таъсир қилганида конструкцияларни лок-бўёқ материаллари билан қоплашни ёки юзасини комплекс таъсир қилувчи таркибий моддаларга шимдириб олиш керак бўлади.

3.8. Биологик агентлар кўзгаган ёғоч коррозиядан ҳимоя қилиш усуллари

2-жадвалда келтирилган.

Газсимон, қаттиқ ва суюқ муҳитлар олиб келган ёғоч конструкцияларни коррозиядан сақлаш усуллари 21-жадвалда келтирилган.

Ёғочни ҳимоя қилиш учун лок-бўёқ материаллари рўйхати 8-маълумот иловасида келтирилган.

Ёғочни антисептика ва консервация қилиш учун моддалар рўйхати 9-маълумот иловасида келтирилган.

Ёғоч сиртини шимдириб олиш учун комплекс таъсир қилувчи моддалар рўйхати 10-маълумот иловасида келтирилган.

16-ЖАДВАЛ

Бинонинг нам режими Намлик зонаси	Газ гуруҳи (1-мажбурий иловага қаранг)	Ёғочга газсимон агрессив таъсир даражаси
<u>Курук</u>	A	Ноагрессив
курук	B	“
	C	“
	D	Паст агрессив
<u>Нормал</u>	A	Ноагрессив
нормал	B	“
	C	Паст агрессив
	D	Ўрта агрессив
<u>Нам ёки ҳўл</u>	A	Ноагрессив
нам	B	Паст агрессив
	C	“
	D	Ўрта агрессив

*ЭСЛАТМА: 1. Сиртида конденсат ҳосил бўлиши рухсат этилган иситиладиган конструкциялар учун агрессив таъсир даражаси нам ёки ҳўл режимдаги бинолардаги конструкциялардаги каби белгиланади.*

*2. Газсимон муҳитда бир қанча агрессив газ мавжуд бўлса муҳитнинг агрессив таъсир даражаси янада агрессив газ бўйича аниқланади.*

17-ЖАДВАЛ

Бинонинг нам режими Намлик зонаси	Сувда <sup>1</sup> қаттиқ муҳитнинг эрув- чанлиги ва уларнинг гигроско- пиклиги	Ёғочга қаттиқ муҳитнинг агрессив таъсир даражаси
<u>Курук</u>	Оз эрийдигани	Ноагрессив
курук	Яхши эрийди, оз гигроскопик	“
	Яхши эрийди, гигроскопик	Паст агрессив
<u>Нормал</u>	Оз эрийдигани	Ноагрессив
Нормал	Оз эрийдигани, оз гигроскопик	Паст агрессив
	Яхши эрийди, гигроскопик	“
<u>Нам ёки ҳўл</u>	Оз эрийдигани	Ноагрессив
Нам	Яхши эрийди, оз гигроскопик	Паст агрессив
	Яхши эрийди, гигроскопик	Ўрта агрессив

*Янада кенг тарқалган эрувчан тузлар ва уларнинг таърифлари 2-маълумот иловасида келтирилган.*

Мұхит	Концентрация, %	Ёғочга ноорганик суюқ мұхитнинг агрессив таъсир даражаси	Мұхит	Концентрация, %	Ёғочга ноорганик суюқ мұхитнинг агрессив таъсир даражаси
Сув: дарёники кўлни денгиз	— — —	Ноагрессив	Кислота: сульфат азот хлорид фосфат Аммиак Ишқор	о.5 дан 10 гача о.5-10 5 гача ошиғи б-н 10 о.5-10 2 гача ва о.30	Ўрта агрессив
Кислота: фосфат сульфат азот Аммиак	10 гача 5 гача 5 гача 5гача	Паст агрессив	Кислота: сульфат азот хлорид Ишқор	ошиғи б-н 10 ошиғи б-н 10 ошиғи б-н 5 о.2 дан 30 гача	Кучли агрессив

<sup>1</sup> Мұхитнинг 45-50° С да агрессив таъсир даражаси бир поғонага ошади.

Мұхит	Ёғочга органик суюқ мұхитнинг агрессив таъсир даражаси	Мұхит	Ёғочга органик суюқ мұхитнинг агрессив таъсир даражаси
Нефть ва нефть маҳсулотлари	Ноагрессив	Органик кислота эритма: сирка, лимон, шовул ва ҳ.к.	Паст агрессив
Мойлар: минерал, ўсимлик, жонивор	—	Эритмалар: бензол, ацетон	“

15-жадвал бўйича агрессив таъсир даражаси	Ёғоч конструкциялар ва уларнинг элементлари	Х и м о я		
		Антисептикалаш қопламаси	консервация	химоя
Ноагрессив	Юк кўтарувчи елимланмаган ва елимланган конструкциялар элементлари, қозиқлар, сарровлар, ички пардевор элементлари, осма шифтлар деворлари	Х и м о я с и з		
Паст агрессив	Юк кўтарувчи елимланган ёғоч конструкциялар, тўсувчи конструкциялар қопламалари	—	—	Намбардош лок-бўёқ қоплама нам-биоҳимоя шимдириш таркиби
	Юк кўтарувчи елимлан-Маган конструкция элементлари, тўсувчи конструкциялар синчлари қоришмалар б-н ишлов бериш	Сувда эритилган антисептиклар б-н антисептиклаш ёки антисептик	—	—
Ўрта агрессив	Юк кўтарувчи елимланган конструкциялар элементлари, сарровлар	—	—	Намга бардошли лок-бўёқ қопламалар намбио-ҳимоявий шимдириш таркиби
	Тахтанинг кўндалангига кесилган жойлари, таянч элементлари, ташқи деворлар билан кесишган жойлар тўсувчи конструкциялар қопламалари	Сувда эритилган антисептиклар б-н антисептиклаш ёки антисептик қоришмалар билан ишлов бериш	—	Намбардош лок-бўёқ қопламалар
	Юк кўтарувчи елимланган конструкциялар, нимтўсинлар, пол тахталари, дераза ва эшиклар блоклари қутилари, боғламалар, сарровлар, тўсувчи конструкция синчлари, очки иншоотларнинг юқори бинолари, том ёпмасининг очик элементлари, кўприк элементлари	Ювилиши қийин сувда эритилган антисептиклар б-н антисептиклаш ёки антисептик қоришмалар б-н	—	—
Кучли агрессив	Қоплама плиталари элементи тўсувчи конструкциялар синчлари	—	Ювилиши қийин сувда эриган антисептиклар б-н консервация қилиш	—
	ЛЭП таянчлари, қозиқлар, кўприклар элементлари, градириялар (сув совитиш иншооти)	—	Мойли ёки ювилиши қийин сувда эритилган антисептиклар б-н консервация қилиш	—

<sup>1</sup> Ювилиши қийин антисептиклар асосида тайёрланган антисептиклар қоршимасини қўллашга рухсат этилади.

21 - ЖАДВАЛ

16, 17, 18-жадваллар бўйича агрессив таъсир даражаси	Биолярнинг нам режими	Ҳ и м о я
	Намлик зонаси	
Ноагрессив	<u>Қуруқ, нормал</u> Қуруқ нормал <u>Нам, хўл</u> Нам	Ҳимоясиз  Намга бардошли лок-бўёқ материаллар
Паст агрессив	<u>Қуруқ, нормал</u> Қуруқ нормал <u>Нам, хўл</u> Нам	Ҳ и м о я с и з  Кимёвий бардошли намбардош лок-бўёқ материаллар ёки намбардош шимдириш таркиби
Ўрта агрессив	<u>Қуруқ, нормал</u> Қуруқ нормал  <u>Нам, хўл</u> Нам	Кимёвий бардошли лок-бўёқ материаллар  Кимёвий бардошли, намбардош лок-бўёқ материаллар ёки кимёвий чидамли намбардош шимдириш таркиби
Кучли агрессив	Суюқ муҳит	Кимёвий бардошли, намбардош лок-бўёқ материаллари ёки кимёвий бардошли намбардош шимдириш таркиби

#### 4. ТОШ ВА АСБЕСТЦЕМЕНТ КОНСТРУКЦИЯЛАР

4.1. Мазкур боб талаблари лой ва силикат ғишдан тайёрланган тош конструкцияларга, шунингдек, асбестцемент конструкцияларига тааллуқлидир.

4.2. Газсимон ва қаттиқ муҳитларнинг ғишдан қилинган конструкцияларга агрессив таъсир даражасини 22 ва 23-жадвалларга биноан қабул қилиш керак бўлади. Ғишдан қилинган конструкцияларга шўрланган грунтларнинг агрессив таъсир даражасини 4-жадвал бўйича қабул қилинади.

Суюқ муҳитларнинг ғишдан қилинган конструкцияларга агрессив таъсир даражаси, таркибида хлоридлар, сульфатлар, нитратлар ва бошқа тузлар ҳамда 10 дан 15 г/л дан ортиқ миқдорда ишқор сақланган эритмалар таъсирида худди паст агрессивдагидай, 15 дан 20 г/л дан ортиқ бўлса—кучли агрессивдаги сингари қабул қилиш керак бўлади. Силикат ғишдан қилинган конструкцияларни суюқ агрессив муҳитларда қўллашга рухсат этилмайди.

4.3. Суюқ муҳитларнинг цемент куйиш эритмаларига агрессив таъсир даражасини 5, 6 ва 8-жадваллари бўйича (W4) қабул қилиш керак; оҳакдан пластификация қилувчи компонентлар сифатида қўшимчали эритмалар учун агрессив таъсир даражасини бу жадвалларда кўрсатилганидан бир поғона юқори қабул қилиш керак бўлади.

Лой ва кул қўшилган эритмаларни қўллашга рухсат этилмайди.



4.4. Муҳитларнинг асбестцемент конструкцияларга қилган агрессив таъсир даражасини бетон учун қабул қилингани сингари қабул қилинади: газсимони - 2-жадвал бўйича; қаттиқлари - 3-жадвал бўйича; грунтлар - 4-жадвал бўйича; суюқлари - 5, 6, 8-жадваллар бўйича сув ўтказмаслиги бўйича W4 маркали портландцемент бетониға олингани сингари қабул қилинади.

4.5. Бинолар ва иншоотларнинг вентиляцияси учун қўлланиладиган агрессив муҳитли асбестцемент қутисимон қувурларида муҳитнинг агрессив таъсир даражасини қувурнинг ичида бинонинг ичкарасига нисбатан бир поғона юқори қабул қилинади.

## 22-ЖАДВАЛ

Бинонинг нам режими Намлик зонаси	Газлар гуруҳи (1-мажбурий илова бўйича)	Ғиштдан қилинган конструкцияларга газсимон муҳитнинг агрессив таъсир даражаси (2-жадвалда келтирилганларига қаранг)	
		лойли пластик пресслаш	силикатли
<u>Курук</u> Курук	B	Ноагрессив	Ноагрессив
	C	“	“
	D	“	“
<u>Нормал</u> Нормал	B	Ноагрессив	Ноагрессив
	C	“	“
	D	“	Паст агрессив
<u>Нам,хўл</u> Нам	B	Ноагрессив	Ноагрессив
	C	“	Паст агрессив
	D	“	Ўрта агрессив

4.6. Ғишт теришда муҳитнинг агрессив даврий равишдаги намгарчилиги ва музлашида ғиштнинг музга бардошлилик маркасини камида F 50 қабул қилиш керак бўлади.

4.7. Эритмалар учун цемент, кум ва сув 2-бобда баён этилган талабларга мувофиқ келиши зарур. Кучли агрессив даражадаги кислота муҳитлари учун кислотага бардошли бўлган суюқшиша асосида эритмаларни ёки полимер боғламаларни қўллаш маслаҳат берилади.

Агрессив муҳитдаги биноларда тош теришда барча чоклар сўкиб ташланиши зарур.

4.8. Асбестцемент девор панеллари грунтга тегмаслиги керак. Бу конструкцияларни гидроизоляция қистирмага эга, асбестцемент девор панелларини агрессив грунт сувларни капилляр - томчилаб сўришдан сақловчи қистирмага эга пойпешда назарда тутиш керак.

4.9. Тош ва ўзакли тош конструкциялар юзасини коррозиядан лок-бўёқли (сувоқ бўйича) ёки лок-бўёқ қалин қават мастика материаллари (бевосита териш бўйича ҳам) билан ҳимоя қилиш керак бўлади.

4.10. Тош теришда пўлат қисмлар 2-бобнинг талабларига мувофиқ ҳимоя қилиниши зарур.

4.11. Асбестцемент конструкциялар сиртини муҳитнинг ўрта ва кучли даражадаги таъсирдан 2-боб талабларига биноан лок-бўёқ материаллар билан қоплаб ҳимоя қилиш тавсия этилади.

4.12. Ёғоч, металл, полимер материаллар қўлланиладиган

асбестцемент таркибий конструкцияларни химоя қилишда қўлланиладиган материаллардан ҳар бирига агрессив муҳитлар таъсири даражасини ҳисобга олган назарда тутиш керак.

## 23-ЖАДВАЛ

Бинонинг нам режими Намлик зонаси	Сувда <sup>1,3</sup> қаттиқ муҳитларнинг эрувчанлиги ва уларнинг гигроскопиклиги	Қаттиқ муҳитларнинг ғиштдан бўлган конструкцияларга агрессив таъсири даражаси	
		лойли пластик пресслаш	силикатли
<u>Курук</u> Курук	Яхши эрийдиган, оз гигроскопик Яхши эрийдиган, гигроскопик	Ноагрессив “	Ноагрессив “
<u>Нормал</u> Нормал	Яхши эрийдиган, оз гигроскопик Яхши эрийдиган, гигроскопик	Ноагрессив Паст агрессив	Паст агрессив Ўрта агрессив
<u>Нам, хўл</u> Нам	Яхши эрийдиган, оз гигроскопик Яхши эрийдиган, гигроскопик	Паст агрессив Ўрта агрессив	Ўрта агрессив

<sup>1</sup> Янада кенг тарқалган тузлар, аэрозоллар, кукунлар ва уларнинг таърифномалари

<sup>2</sup> -маълумот иловасида келтирилган.

<sup>2</sup> 2 ва 3-жадваллар изоҳларига қаранг.

## 5. МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР. МУҲИТНИНГ АГРЕССИВ ТАЪСИРИ ДАРАЖАСИ

5.1. Металл конструкцияларга муҳитнинг агрессив таъсири даражаси қуйидагича келтирилган:

атмосфера ҳавоси - 24, 25-жадвалларда;

суюқ ноорганик муҳит - 26-жадвал;

суюқ органик муҳит - 27-жадвал;

углеродли пўлатдан қилинган конструкцияларга грунтлар таъсири 28-жадвалда.

5.2. 24 ва 25-жадваллар бўйича иситиладиган бинонинг ичкарасидаги конструкциялар қисмларига муҳитнинг кўрсатган агрессив таъсир даражасини аниқ бинонинг нам режими таърифномаларини, иситилмайдиган бинолар ичкарасидаги, соябон остидаги ва очик ҳаводаги конструкциялар қисмлари учун эса намлик зонасидаги таърифномаларни қабул қилиш керак бўлади. Нам ёки хўл режимдаги иситиладиган бинолар конструкциялари учун муҳитнинг агрессив таъсир даражасини намлик зонаси учун лойихалаштириладиган иситилмайдиган бинолар учун ўрнатилгани каби белгиланиши керак бўлади. Ҳавонинг ифлосланишини, жумладан, бино ичкарасини тузлар, чанглар ёки аэрозоллар билан ифлосланишида уларнинг ўртача йиллик концентрацияси 0,3 мг/(м<sup>2</sup>.сут) дан паст бўлмаслигини назарда тутиш керак.

## МАТЕРИАЛЛАР ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

5.3. Ўрта ва кучли агрессив муҳитдаги пўлат устунлар ва стропиль фермалари оралиғи 12 м ва ундан ошиқ бўлиши керак. Кучли агрессив муҳитдаги ишлаб чиқариш бинолари пўлат конструкциялари бутунлай, яхлит деворлар билан лойиҳалаштирилиши зарур.

5.4. Агрессив муҳитдаги қувур ёки ёпиқ тўғри бурчакли кесим элементларини ишлаб чиқариш учун бино ва иншоотларнинг пўлат конструкциялари яхлит чокли қилиб, ён томони билан лойиҳалаштирилиши зарур. Бунда ички юзани коррозиядан ҳимоя қилишда ишлаб чиқмасликка рухсат берилади. Паст агрессив муҳитда ёпиқ кесишган жойлар элементларини очик ҳаводаги конструкциялар учун қўллашга сувнинг тўпланиш эҳтимоли бор участкалардан сув четлатилгандагина рухсат берилади.

5.5. Икки бурчакдан иборат тавр кесикли металл конструкцияларни, тўрт бурчакдан иборат бутсимон кесикли, берк бўлмаган тўғри бурчакли кесиклар билан, швеллердан бўлган икки таврли кесиклар ёки эгилган профилдаги ўрта агрессив ва кучли агрессив муҳитдаги бино ва иншоотларда қўллашга рухсат этилмайди.

## 24-ЖАДВАЛ

Бинонинг нам режими	Газлар гуруҳи (мажбурий илова бўйича)	Металл конструкцияларга муҳитнинг агрессив таъсир даражаси		
		иситиладиган бинолар ичи соя- бонлар остидаги- ларининг ичи	иситилмайдиган бинолар ёки	очик ҳавода
Куруқ Куруқ	A B C D	Ноагрессив “ Паст агрессив Ўрта агрессив	Ноагрессив Паст агрессив Ўрта агрессив “	Паст агрессив “ Ўрта агрессив Кучли агрессив
Нормал Нормал	A B C D	Ноагрессив Паст агрессив Ўрта агрессив “	Паст агрессив Ўрта агрессив “ Кучли агрессив	Паст агрессив “ Ўрта агрессив Кучли агрессив
Нам ёки хўл Нам	A B C D	Паст агрессив Ўрта агрессив “ “	Ўрта агрессив “ Кучли агрессив “	Ўрта агрессив “ Кучли агрессив “

*ЭСЛАТМА: 1. Муҳитнинг агрессив таъсир даражасига баҳо беришда карбонат ангидрид газининг таъсирини ҳисобга олиш назарда тутилмайди.*

*2. Алюминий конструкцияларга муҳитнинг агрессив таъсир даражасини баҳолашда олтингугурт газини, сероводород, азот оксидларининг таъсирини ва А ва В гуруҳига кирувчи концентрацияларда ювишда бу нарсаларни ҳисобга олиш назарда тутилмайди; намлик зонасидаги А гуруҳига кирувчи газлардаги агрессив таъсир даражасиним худди паст агрессивдаги сингари баҳолаш керак бўлади.*

Бинонинг нам режими	Тузлар, аэрозоллар ва кукунлар таърифи	Металл конструкцияларга <sup>1</sup> муҳитнинг агрессив таъсир даражаси		
		иситиладиган бинолар ичи	иситилмайдиган ёки соябон ости биноларининг ичи	очиқ ҳавода
<u>Курук</u> Курук	Оз эрийдигани Яхши эрийдиган	Ноагрессив “	Ноагрессив Паст агрессив	Паст агрессив Паст агрессив
	Яхши эрийди, гигроскопик	оз гигроскопик Паст агрессив	“	Ўрта агрессив
<u>Нормал</u> Нормал	Оз эрийдигани Яхши эрийди, оз гигроскопик	Ноагрессив Паст агрессив	“ Ўрта агрессив	Паст агрессив Ўрта агрессив
	Яхши эрийди, гигроскопик	Ўрта агрессив	“	“
<u>Нам ёки хўл</u> Нам	Оз эрийдигани Яхши эрийди, оз гигроскопик	Ноагрессив Паст агрессив	Паст агрессив Ўрта агрессив	Паст агрессив Ўрта агрессив
	Яхши эрийди, гигроскопик	Ўрта агрессив	“	Кучли агрессив

<sup>1</sup> *Алюминийдан қилинган конструкцияларга кучли агрессив таъсир даражасини хлоридларнинг жами 25 мг/(м<sup>2</sup>.сут), ўрта агрессивини эса - 5 мг/(м<sup>2</sup>.сут) ортиқ тўкилишида белгиланади. Таркибида сульфатлар, нитратлар, нитритлар, фосфатлар ва бошқа оксидловчи тузлар сақланган муҳитларнинг алюминийга кўрсатган агрессив таъсир даражасини фақатгина хлоридларнинг бир вақтда юқорида кўрсатилган миқдорларига мувофиқ таъсир қилишидагина ҳисобга олинади.*

*ЭСЛАТМА. Бино ичидаги тўсувчи конструкциялар қисмлари учун муҳитнинг агрессив таъсир даражасини нам ёки хўл режимдаги бинолардаги каби белгиланади.*

Ноорганик суюқ муҳитлар	Водород кўрсаткичи рН	Сульфат ва хлоридларни жами концент-рацияси, г/л	Металл конструкцияларга кислороднинг эркин температуранинг 0 дан 50°С гача фалик ва 1 м/с гача ҳаракат тезлигида киришида муҳитнинг агрессив даражаси
Чучук табиий сув	Ошиғи 6-н 3 дан 11 Худди шундай 3 гача	5 гача 5 дан ортиқ Ҳар қандай	Ўрта агрессив Кучли агрессив “
Денгиз суви	0.6 дан 8,5 гача	0.20 дан 50 гача	Ўрта агрессив
Тозаланмаган ва айлана-диган ишлаб чиқариш суви	0.3 дан 11 гача 5 дан ортиқ	5 гача	“ Кучли агрессив
Чорвадорлик биноларидан оқиб тушадиган суюқлик	0.5 дан 9 гача	5 гача	Ўрта агрессив
Ноорганик кислоталар эритмалари	3 гача	Ҳар қандай	Кучли агрессив
Ишқор эритмалари	11 дан ортиқ	“	Ўрта агрессив
50 г/л дан ортиқ тузлар концентрацияси эритмалари	0.3 дан 11 гача	“	Кучли агрессив

*ЭСЛАТМА. 1. Сув хлор ва сероводородга тўйинганида, агрессив таъсир даражасини бир поғона юқори қабул қилиш керак бўлади.*

*2. Сувдан кислород ва эритмалардан тузларни ажратиш олишида (давэрация) агрессив таъсир даражасини бир поғона паст қабул қилиш керак бўлади.*

*3. Сув ҳаракати тезлигини 1 дан 10 м/с оширишида, шунингдек, конструкциялар сиртини*

қиргоқ тұлқини ва сув кўтарилиши зоналарида вақт-вақти билан хўлланиб туришида ёки сув температурасини 50 дан 100°C гача ётиқ резервуарларда ошишида давэрациясиз агрессив таъсир даражасини бир поғона юқори қабул қилинади.

## 27-ЖАДВАЛ

Органик суюқ муҳитлар	Металл конструкцияларга муҳитнинг агрессив таъсир даражаси
Мойлар (минерал, ўсимлик, жонивор) Нефть ва нефть маҳсулотлари Эритмалар (бензол, ацетон) Органик кислоталар эритмалари	Ноагрессив Паст агрессив “ Кучли агрессив

*ЭСЛАТМА. Мазкур жадвалда келтирилган нефть ва нефть маҳсулотларининг агрессив таъсир даражасини тутиб турувчи металл конструкцияларга ва резервуарлар конструкцияларининг таиқи сиртига таъсир қилиши ҳолларини ҳисобга олиши назарда тутилиши лозим. Резервуарлар ичи конструкцияларига нефть ва нефть маҳсулотларининг агрессив таъсир даражасини 32-жадвал бўйича қабул қилиши керак.*

5.6. Панеллардан бўлган, тўсувчи конструкциялари билан бирга бир қаватли, иситиладиган ўз ичига профилланган - маълум шаклга солинган тахталарни олган биноларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини худди ноагрессив ва паст агрессив муҳитлардаги каби лойиҳалаштириш керак бўлади. Худди шундай ўрта агрессив муҳитдаги биноларни, 14-иловада тавсия қилинган “а” ва “б” позицияларга мувофиқ юк кўтарувчи конструкцияларни коррозиядан сақлаш шартидагина лойиҳалаштиришга рухсат этилади. Ўз ичига профилланган тахталарни олган, кучли агрессив муҳитдаги ишлаб чиқариш учун панелли биноларни лойиҳалаштиришга рухсат этилмайди.

5.7. Қуйидаги пўлат конструкцияларни лойиҳалаштиришга рухсат этилмайди: ўрта ва кучли даражадаги агрессив муҳитли бино ва иншоотлари, шунингдек, паст агрессив муҳитлардаги, таркибида олтингугуртли ангидрид ёки В газлар гуруҳига кирувчи сероводород сақланган - пўлат маркаси 09Г2 ва 14Г2 бўлган бино ва иншоотларда;

ўрта агрессив ва кучли агрессив муҳитли, таркибида олтингугуртли ангидрид ёки В, С ёки D газлар гуруҳидаги сероводород сақланган, - пўлат маркаси 18Г2АФпс бўлган бино ва иншоотларда.

5.8. Паст агрессив муҳитдаги, таркибида олтингугуртли ангидрид, сероводород ёки В ва С гуруҳларига бўйича хлорли водород сақланган, ўрта агрессив ва кучли агрессив муҳитдаги бино ва иншоотларнинг пўлат конструкцияларини, шу билан бирга ўрта агрессив ва кучли агрессив суюқ муҳитлар ёки грунтлар таъсирида 12ГН2МФА, 12Г2СМФ ва 14ГСМФР маркали, окувчанлик чегараси камида 588 МПа бўлган пўлатларни ҳамда янада мустаҳкам пўлатларни, фақатгина пўлат қобилятини синаш тадқиқотлари ва ГОСТ 9.903-81 ва ГОСТ 26294-84 талабларига кўра мазкур муҳитда кучланиш остида коррозияга пайвандлаб бирлаштирувлар ўтказилгачгина лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

5.9. Алюминий, руҳланган пўлат ёки металл ҳимоя қопламаларини суюқ муҳитлар ёки 3 гача ва 11 дан ортиқ рН грунтлар, мис, симоб, қалай, никель,

құрғошин ва бошқа оғир металлар, каттик ишқор тузлари, кальцинацияланадиган сода эритмалари ёки бошқа яхши эрийдиган ишқор реакциясига киришадиган, конструкцияларда кукун, чанг шаклида чўкинди ҳосил қиладиган гигроскопик тузлар, агарда кукун муҳитининг агрессив таъсир даражаси ҳисобга олинмасдан ўрта агрессив ёки кучли агрессивга мувофиқ келадиган бўлса, бино ва иншоотлар конструкцияларини лойиҳалаштиришда қўллашни назарда тутишга рухсат этилмайди.

Эслатма. Объектлар лойиҳаларида, қурилиш жараёнида кўрсатилганидай, кукун, суюқ муҳитлар, шунингдек, алюминий конструкциялар юзасига қурилиш эритмалари ва қотмаган бетон тўкиладиган бўлса, конструкциялар юзасидан уларни олиб ташлаш зарурияти ҳақида кўрсатмалар келтирилиши керак.

28-ЖАДВАЛ

Ҳавонинг ўртача йиллик температураси $^{\circ}\text{C}^1$	Грунт сувига <sup>2</sup> таъриф		Грунтнинг грунт суви сатҳидан пастда агрессив таъсир даражаси	Грунтларнинг грунт суви <sup>3</sup> сатҳидан юқорида агрессив таъсир даражаси		
	рН	Сульфат ва хлоридларнинг жами концентрацияси г/л		Намлик зонасида	Грунтларнинг солиштирма қийматларида, Ом	
					20 гача	20 дан ортик
0 гача	5гача о.5 о.5	Ҳар қандай 5 гача ошиғи б-н 5	Ўрта агрессив Паст агрессив Ўрта агрессив	Нам Куруқ Нормал	Ўрта агрессив Паст агрессив Ўрта агрессив	Ўрта агрессив Паст агрессив “
Ошиғи б-н 0дан бгача	5гача о.5 о.5	Ҳар қандай 1 гача ошиғи б-н 1	Кучли агрессив Паст агрессив Ўрта агрессив	Нам Куруқ Нормал	Кучли агрессив Паст агрессив Кучли агрессив	Ўрта агрессив Паст агрессив Ўрта агрессив
0.6	5гача о.5 о.5	Ҳар қандай 5 гача ошиғи б-н 5	Кучли агрессив Паст агрессив Кучли агрессив	Нам Куруқ Нормал	Кучли агрессив Паст агрессив Кучли агрессив	Кучли агрессив Паст агрессив “

<sup>1</sup> Ҳавонинг ўртача йиллик температураси ҚМҚ 2.01.01-94 бобида келтирилган.

<sup>2</sup> Геотермал сувлар таъсири кўриб чиқилмайди.

<sup>3</sup> Филтрлаши 0,1 м/сут.дан ортик коэффицентли кучли филтрланадиган ва ўрта филтрланадиган грунтлар учун.

ЭСЛАТМА. Таркибида балчиқ бўлмаган қум тубидаги грунтларнинг, шунингдек, таркибида тубида балчиқ ва 20 мг/л гача сероводород сақланган грунтларнинг агрессив таъсир даражаси - паст агрессив, таркибида 20 мг/л дан ортик сероводород сақланган грунтлар эса - ўрта агрессив ҳисобланади.

5.10. Хлор, хлорли водород ва С ва В газлар гуруҳига кирувчи фторли водород концентрациясида ўрта агрессив ва кучли агрессив муҳитли алюминий конструкциялардан бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришга рухсат этилмайди. Ноорганик суюқ муҳитида бўлган, 1915, 1925, 1915 Т, 1935 Т маркали алюминий қотишмаларини конструкциялар учун қўллашга рухсат берилмайди.

5.11. Денгиз нефть-газ конларининг гидротехник иншоотларини, чуқур сув замини стационар платформаларидан ташқари, лойиҳалаштиришга рухсат этилмайди:

- алоқа элементларини (тиргаклар, қия тирговучлар, пайвандлаш чоклари) даврий, вақт-вақти билан ҳўлланиб турадиган зоналарга жойлаштириш;
- кашакларни тиргакларга қисқич билан бирлаштириш;

в) оралиқ иншоотларини даврий ҳўлланиш зонасига жойлаштириш. Бу чекла-нишлар чуқур сув замини стационар платформалари учун тааллуқдир:

бошқа экваториялардаги иншоотлар учун - сув кўтарилиш-пасайиш зона-лари баландлигида;

5.12. Ўта мустаҳкам 30X3МФ маркали пўлат болтларда ва 09Г2 маркали пўлат парчин михларда маҳкамланиб бирлаштирилган пўлат конструкцияларни таркибида олтингугуртли ангидрид ёки В газлар гуруҳидаги сероводород сақланган паст агрессив муҳитларга бино ва иншоотлар учун, шунингдек, ўрта агрессив ва кучли агрессив муҳитдаги бино ва иншоотлар учун лойиҳалаштиришга рухсат этилмайди.

5.13. Очиқ ҳаводаги иншоотлар учун пўлат сим арқонлардан конструкция элементларини лойиҳалаштиришда 11-мажбурий иловада келтирилган, агрессив муҳитдаги баҳоланадиган бино ичи пўлат сим арқонлар учун ёки чортахта ичи учун (муҳитнинг агрессив даражаси баҳолаб берилган 24-жадвал бўйича - худди иситилмайдиган бинолар учун) 11-мажбурий иловага мувофиқ (худди ўрта агрессив ёки очиқ ҳавода кучли агрессив муҳитлар учун) талабларни ҳисобга олишни назарда тутиш керак.

5.14. Агрессив муҳитларда фойдаланиш учун турли жисм металларида қилинган конструкцияларни лойиҳалаштиришда, турли жисм металлари контакти зоналаридаги контакт коррозиясининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни албатта назарда тутиш зарур, пайвандлаш конструкцияларини лойиҳалаштиришда 12-тавсия қилинган илова талабларини албатта назарда тутиш керак бўлади.

5.15. Коррозиядан ҳимоясиз қўлланиладиган тўсувчи конструкциялар тахталарининг минимал қалинлигини 13-мажбурий иловата мувофиқ аниқлаш керак.

## ПЎЛАТ ВА АЛЮМИНИЙ КОНСТРУКЦИЯЛАР САТҲИНИ КОРРОЗИЯДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

5.16. Алюминий ва руҳланган пўлатдан қилинган пўлат юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларни коррозия ҳимоя қилиш усуллари тавсия қилинган 14 ва 29-жадвалда келтирилган 10ХНДП маркали пўлатдан қилинган юк кўтарувчи конструкцияларни паст агрессив таъсир муҳитидаги очиқ ҳавода коррозиядан ҳимоя қилмасликка рухсат этилади, 10ХСНД ва 15ХСНД маркали пўлатлардан эса - атмосферада А гуруҳидаги газларни куруқ зонадаги очиқ ҳавода (муҳитнинг паст агрессив таъсирида) рухсат этилади. 5 мм дан ошиқ прокат - яхлит лист қалинлигида санаб ўтилган маркадаги пўлатларни юзасини тўпон ва зангдан тозала-масдан ушбу пўлатдан қилинган конструкцияларни қўллашга рухсат этилади. 10ХНДП ва 10ХДП (фақат А гуруҳидаги газли муҳитлар учун) маркали пўлатлар-дан (А ва В гуруҳидаги газли муҳитлар учун) қилинган тўсувчи конструкцияларни очиқ ҳавога паст агрессив таъсир кўрсатиш шартидагина коррозиядан ҳимоя қилмасликка рухсат этилади. Шу маркадаги пўлатдан қилинган, ноагрессив ёки паст агрессив муҳитдаги бинолар ичида турган конструкциялар қисмлари коррозиядан металлни бўяш ва профиллаш линияларига суркаладиган II ва III гуруҳ лок-бўёқ қопламалари ёки паст агрессив таъсир муҳитлари учун назарда тутилган тадбирлар билан ҳимояланиши зарур. Руҳланмаган углеродли пўлатдан қилинган,

II ва III гуруҳдаги лок-бўёқ қопламалари металлнинг бўяш ва профиллаш линияларига суркалган тўсувчи конструкцияларни ноагрессив таъсир даражасидаги муҳитлар учун назарда тутишга рухсат этилади.

5.17. Агрессив муҳитнинг таъсирига йўлиқувчи (таркибида хлор, хлорли водород ёки В газ гуруҳига кирувчи фторли водород сақланган паст агрессив таъсир муҳитидан ташқари) алюминийдан қилинган тўсувчи конструкцияларни лойихалаштиришда худди алюминийдан қилинган тўсувчи конструкциялар учун коррозиядан ҳимоя қилиш бўйича талабларга риоя қилиш керак. Қавс ичида кўрсатилган муҳитлар учун барча маркали алюминийдан қилинган юк кўтарувчи конструкциялар электрохимёвий анодлаш йўли билан коррозиядан ҳимояланган бўлиши керак (қатламнинг қалинлиги  $t \geq 15$  мкм). Жами 5 г/л дан ортиқ концентрациядаги сульфатлар ва хлоридли сувда фойдаланиладиган конструкциялар учун электрохимёвий анодлаш билан ( $t \geq 15$  мкм) кетидан сувга бардошли IV гуруҳдаги лок-бўёқ ашёни бўяш билан ҳимоя қилиниши керак. Алюминийдан бўлган тўсувчи ва юк кўтарувчи конструкциялари учун лок-бўёқ қопламалари қатлами қалинлиги камида 70 мкм бўлиши зарур.

Алюминийдан бўлган конструкцияларни ғиштдан ёки бетондан қилинган конструкцияларга туташтириш фақатгина эритма тўла қотганидан сўнг ёки муҳитнинг бетонга агрессив таъсир даражасидан қатъий назар, рухсат берилади. Туташтириш участкалари лок-бўёқ қопламалари билан ҳимоя қилиниши зарур. Алюминийдан қилинган конструкцияларни бетонлашга рухсат этилмайди. Алюминийдан қилинган, бўялган конструкцияларни ёғочдан бўлганларига фақатгина сўнгги креозотга шимдирилган шартдагина туташтиришга рухсат этилади.

5.18. Оксидлардан (тўпон, занг, тошқол аралашмалари) юк кўтарувчи конструкцияларнинг юзасини ҳимоя қопламаларини қоплашдан аввал тозалаш даражаси 30-жадвалда келитирилган талабларга мувофиқ келиши зарур. Юк кўтарувчи конструкцияларнинг юзаси, ноагрессив таъсир муҳити учун мўлжалланган ва ГОСТ 9.402-80\* бўйича Г даражасигача оксидланган бўлса, унда фақат занг ва металл тўпони қаватини тозалашга рухсат этилади. Техник жиҳатдан асосланган ҳолларда пўлат конструкциялар юзасини тўпон ва зангдан тозалаш даражасини бир поғонага оширишга рухсат этилади. Тўсувчи пўлат конструкцияларнинг лок-бўёқ қопламалар остидаги юзасини тозалашнинг I даражасигача тозалаш назарда тутилади.

Алюминий конструкцияларнинг юзасини лок-бўёқ қопламаларини қоплашдан аввал тозалаш сифати меъёрга солинмайди.



## 29-ЖАДВАЛ

Конструкциялардан Фойдаланиш шартлари		Муҳитлар агрессив таъсир даражаси	Пўлат конструкциялари учун лок-бўёқ қопламалари гуруҳлари (Рим рақами) ва 15-маълумот иловаси бўйича қоплаш индекси (харфлар), қоплаш қатламларининг сони (араб рақами), хомаки сувоқни қўшган ҳолда лок-бўёқ қопламанинг умумий қалинлиги, мкм (қавс ичида)			
			Конструкция ашёси		Металл ҳимоя қопламалари ашёси	
			Углеродли ва металл қопла-малар-сиз <sup>1</sup> паст ле-гир-ланган пўлат	ГОСТ 14918-80* бўйича I-туркум рухланган пўлат	Рух қоплама (қайноқ рухлаш)	Рух ва алюминий қопламалар (газотермик чангланиш)
Иситиладиган ёки иситил-майдиган би-нолар ичи	А газлар гуруҳи ёки оз эрувчи тузли ва кукунли бино В,С,D гуруҳи газлари ёки яхши эрувчи (оз гигроскопик ва гигроскопик) тузлар, аэрозол ва кукунлар бор бинолар	Паст агрессив Ўрта агрессив	II-2(55) <sup>2</sup> III-4(110)	III-2(40) <sup>3</sup> Қўлланил-масин	Лок-бўёқ II-2(60)	қопламаларсиз II-2(60)
		Паст агрессив Ўрта агрессив	III-2(60) <sup>4</sup> III-4(110) <sup>5</sup>	III-2(60) <sup>3</sup> Қўлланил-масин	Лок-бўёқ III-4(110)	қопламаларсиз III-2(60)
		Кучли агрессив	IV-7(180) <sup>6</sup>	Қўлланил-масин	Қўлланил-масин	IV-5(130) <sup>6</sup>
Очиқ ҳавода ёки соябон остида	А гуруҳидаги газлар ёки оз эрувчи тузлар ёки кукун	Паст агрессив	II-2(55) <sup>7</sup>	III-2(40) <sup>3,7</sup>	Лок-бўёқ	Қопламаларсиз
		Ўрта агрессив	III, III-3(80) <sup>5,8</sup>	Қўлланил-масин	II, III - 2(60) <sup>7</sup>	II, III - 2(60) <sup>7</sup>
	D,С,D гуруҳи газлари ёки яхши эрувчан (оз гигро-скопик ва гигро-скопик) тузлар, аэрозоллар ва кукунлар	Паст агрессив	II-2(55) <sup>7</sup>	III-2(40) <sup>3,7</sup>	Лок-бўёқ	қопламаларсиз
		Ўрта агрессив	III, -3(80) <sup>5</sup>	Қўлланил-масин	III-2(60)	III-2(60)
	Кучли агрессив	IV-6 (130) <sup>6,6</sup>	Худди шун.	Қўлланил-масин	IV-3(80)	
Суюқ муҳит-ларда		Паст агрессив	II, III-3(80)	Қўлланил-масин	II, III-2(60)	II, III-2(60)
		Ўрта агрессив Кучли агрессив	IV-5(130) <sup>6</sup> Қўлланил-масин	Худди шун. “	IV-3(80) Қўлланил-масин	IV-3(80) IV-5(130) <sup>6</sup>

<sup>1</sup> 10ХНДП, 10ХСНД ва 10ХДП маркали пўлатдан қилинган конструкцияларни ҳимоя қилиши бўйича 5.16-боб талабларини ҳисобга олган ҳолда.

<sup>2</sup> 80%дан юқори биноларда 12 дан 24°С дан юқори температурада бино ҳавосининг нисбий намлигида ёки нам конденсацияси - II-2(40) шароитида.

<sup>3</sup> 14-тавсия қилинган иловага қаранг.

<sup>4</sup> Элоксид лок-бўёқ ашёларидан ташқари.

<sup>5</sup> Первинилли лок-бўёқ ашёлари ва сополимер ашёларига винилхлоридни қўллашда қоплама қатлами сонини 1 га, умумий қоплама қалинлигини эса - 20 мм га ошириш керак бўлади.

<sup>6</sup> Элоксид ашёларни, шунингдек, бошқа заминга қалин қатламли ашёларни қўллашда қопланадиган қатлам сони қоплама қалинлиги талаб қилинадиган қилиб таъминланишида қисқартиришига рухсат этилади.

<sup>7</sup> Соябонлар остидаги конструкцияларни химоя қилиш учун “ан” индексини “а” индекси ўрнида лок-бўёқ ашёларини қўллашга рухсат этилади.

<sup>8</sup> Қопламалар маълум муҳитлар таъсирига чидамли бўлиши зарур (15-маълумот иловасига қаранг).

5.19. Юк кўтарувчи пўлат конструкциялар лойиҳаларида, лок-бўёқ қопламалар сифати ГОСТ 9.032-74 бўйича туркум-синфларига мувофиқ келиши зарур; IY ёки Y - ишчи майдонлари зонасидаги ўрта ва кучли агрессив таъсир муҳитлари учун ҳамда паст агрессив ва ноагрессив муҳитлардаги конструкциялар учун; IY дан YI гача - паст агрессив муҳитлардаги бошқа конструкциялар учун ва YII гача - ноагрессив муҳитларда.

Пўлат ва алюминий конструкцияларни коррозиядан химоя қилиш учун қуйидаги гуруҳдаги лок-бўёқ материаллари (хомаки сувоқ, бўёқлар, эмаллар, локлар) қўлланилади: I - пенафталли, глифталли, эпокси-эфирли, алкид-стиролли, мойли, мой-қатронли, алкид-уретанли, нитроцеллозали; II - фенолоформальдегидли, хлоркаучукли, перхлорвинилли ва винилхлорид сополимерларида, поливинил-бутиралли, полиакрилли, акрилсиликонли, полиэфирсиликонли, қўрғошин винилли; III - эпоксидли, кремнеорганик, перхлорвимили ва винилхлорид полимерларида, қўрғошин винилли, полистиролли, полиуретанли, фенолоформальдегидли; IV - перхлорвинилли ва винил хлорид сополимерларида, эпоксидли.

## 30-ЖАДВАЛ

Муҳитнинг агрессив таъсир даражаси	ГОСТ 9.402 -80* бўйича қоплама остида пўлат конструкциялар юзасини оксидлардан тозалаш даражаси			
	лок-бўёқли	металлдан		изоляциявий
		қайноқ рухлаш ва алюминлаш	газотермик чангла	
Ноагрессив	3	-	-	3
Паст агрессив	3	1	1	3
Ўрта агрессив	2 дан кам эмас	1	1	3
Кучли агрессив	Худди шундай	-	-	3

*ЭСЛАТМА. Электрокимёвий химоя остида қўшимча равишда бўяшсиз ёки изоляциявий қоплама қоплашсиз пўлат конструкциялар сиртини тозалаш даражаси белгиланмайди.*

5.20. 29-жадвалда кўрсатилганидай, лок-бўёқ қопламаларининг қалинлигини қаватлар сонини ўзгартирмасдан ошиғи билан 20% га кўпайтиришга рухсат этилади. Конструкциялар барча ёки ишлаб чиқарувчи заводда қоплаш қаватларининг бир қисми қопланган шартда ишлов берилган бўлиши керак; монтаж майдончасида барча қаватларни қопламаларига ишлов беришда қуйидагилар назарда тутилиши керак: паст агрессив муҳитдаги ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари учун - икки қават (ишлаб чиқарувчи заводга камида 20 мкм қалинликда бир қават ва бир қават монтаж майдончасига 29-жадвалда кўрсатилганидай гуруҳлардаги грунтовка - хомаки сувоқ билан); ўрта агрессив ва кучли агрессив муҳитдаги ишлаб чиқариш бино ва иншоотлар конструкциялари учун - 29-жадвалда кўрсатилгани каби

гуруҳларда ишлаб чиқарувчи заводга икки қаватдан; ГФ-021 ва ГФ-0119 (I гуруҳ) эмали остидан хомаки сувоқ II ва III гуруҳларни назарда тутишга рухсат этилади; қоплама остидан IV гуруҳ ашёларини конструкцияларни ишлаб чиқарувчи заводда ФЛ-ОЗК (II-III гуруҳлар) хомаки сувоғини ишлов бериш учун назарда тутишга рухсат этилади, бунда монтаж майдончасига учинчи (технологик ярим қалинликда) ФЛ-ОЭК хомаки сувоғини, тўртинчи қават перхлорвинил хомаки сувоғини (IV гуруҳ) ёки винилхлорид сополимерларидаги хомаки сувоқни ва 29-жадвалда келтирилганига биноан (сувоқ қаватлари сонини тўртгача оширишда қоплама қаватлари сони ошиғи билан беш назарда тутилиши зарур) қоплама қаватларини қоплаш назарда тутилиши керак.

5.21. Пўлат конструкцияларни коррозиядан сақлаш учун эритмага ботириш усули билан қайноқ руҳлаш ва қайноқ алюминлашни назарда тутиш зарур: болт бирлаштирган жойлар билан биргаликда, туташ пайванд билан ёпиқ бўлмаган профилни ҳамда бурчак чокларини, шунингдек, болтлар, шайбалар, гайкалар ҳам коррозиядан сақланиши керак. Коррозиядан сақлашнинг бу усулига пўлат конструкциялар учун внахлест пайвандини контур бўйича бутунлай устидан қайноқ сув қуйиш ёки пайванд қилинган элементлар орасида камида 1,5 мм тирқиш бўлиши кафолат берилганлиги таъминланган шартдагина рухсат этилади.

Конструкцияларнинг монтаж қилинган туташ жойларининг пайвандланган чоклари руҳнинг ёки алюминийнинг газотермик йўл билан чанглатилиши ёки III ва IV гуруҳларга кирувчи лок-бўёқ қопламалари конструкция монтаждан сўнг протектор хомаки сувоқни қўллаш билан ҳимоя қилиниши зарур. Ўта мустаҳкам болтлардаги конструкциялар туташтириш яссилиги монтаждан олдин ишқаланиш коэффициентини камида 0,37 таъминлаш учун металл питра билан ишлов берилган бўлиши зарур.

Пўлат конструкцияларни қайноқ руҳлаш ўрнига (қатламнинг 60-100 мкм қалинлигида) майда элементлар учун (1 м гача ўлчов узунлигида), болт, гайка ва шайбалардан ташқари, гальваник руҳлаш ёки кетидан хромлаш билан кадмийлаштиришни назарда тутишга рухсат этилади. Коррозиядан ҳимоя қилишнинг бу усулини қатламининг қалинлиги 21 мкм гача бўлган (ўймакорликда қоплама қалинлиги плус қўйимдан ошмаслиги керак) болтлар, гайкалар ва шайбалар учун болт бирлаштирган туртиб чиққан қисмини давомий III ва IV гуруҳлардаги лок-бўёқ қопламалари билан қўшимча ҳимоя қилган ҳолда назарда тутишга рухсат берилади.

5.22. Руҳ ва алюминий билан газотермик чанглатишни пайвандланган, болт ва парчин миҳда қоқиб бирлаштирилган пўлат конструкцияларни коррозиядан ҳимоя қилиш учун назарда тутиш зарур. Пайванд билан монтаж қилиниб бирлаштирилган жойларга газотермик чанглатиш қилинмайди. Конструкциялар монтаждан сўнг монтаж билан бирлаштирилган жойларни ҳимоя қилишда газотермик йўл ёки III ва IV гуруҳ лок-бўёқ қопламаларини протектор хомаки сувоғини қўллаш билан назарда тутиш керак бўлади. 5.21-бобда кўрсатилганидай, конструкцияларни ҳимоя қилиш учун, агарда технология жиҳатдан эритмага ботириб руҳлаш ёки алюминлаш назарда

тутилмаган бўлса, газотермик чанглатишни назарда тутишга рухсат этилади.

